

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

ЙЎНАЛИШИ

«ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ»

МОДУЛИ БҮЙИЧА

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2018

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кенгашининг 201__ йил _____даги __ -сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.**

Тузувчилар: Исмаилова Н.С. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти”
кафедраси мудири, доцент, иқтисодиёт фанлари
номзоди

Тақризчи: Исломов Б.А. – Г.В.Плеханов номидаги Россия
иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали
профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

**Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кенгашининг 201__ йил _____даги __ -сонли қарори билан тасдиққа
тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	<u>4</u>
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	<u>12</u>
III. Назарий материаллар.....	<u>18</u>
IV. Амалий машғулот материаллари.....	<u>67</u>
V. Кейслар банки	<u>72</u>
VI. Мустақил таълим мавзулари	<u>79</u>
VII. Глоссарий.....	<u>83</u>
VIII. Адабиётлар рўйхати	<u>98</u>

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўкув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”нинг 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бандида “...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”¹ вазифаси белгиланганлигидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз чиқишлирида ва қарорларига айнан шу масалага катта эътибор қаратмоқдалар: “Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуксизлик ва узвийлик таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан, илғор хорижий тажрибалардан бехабар қолмоқдалар.”²

Дастур мазмuni иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти борасидаги билимларни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши муаммоларини аниқлаш, уларни ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнлари бўйича

¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-ИЛОВА.

² Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори. 26.09.2017 йил.

илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари ва глобал ўзгаришларнинг жаҳон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш, тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтириш, Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқищда мавжуд муаммоларни ўрганиш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жаҳон иқтисодиёти” модулининг **мақсади** жаҳон иқтисодиётига оид назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш, жаҳон иқтисодиётидаги муаммоларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодий ривожлантириш бўйича янги билим, кўнкима ва малакаларини шакллантириш ҳисобланади.

“Жаҳон иқтисодиёти” модулининг **вазифалари:**

• замонавий жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнлари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш;

• замонавий педагогиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклаш;

• жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий ташкилотлар ва трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

• глобал ўзгаришларнинг жаҳон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўнкима, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жаҳон иқтисодиёти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жаҳон иқтисодиёти тараққиёти борасида мавжуд ҳолат ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш йўлларини билиши борасида **билимларига эга бўлиши**;

Тингловчи:

- жаҳон иқтисодиётининг тараққиёти жараёнларини таҳлил қилиш, тенденцияларни баҳолаш **кўнкима ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- замонавий билимларни қўллаш орқали муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этиш ва қарорлар қабул қилиш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жаҳон иқтисодиёти” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий хужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий хужум, кейс, гурухларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги **учинчи ва бешинчи** блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳалқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва унинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикализ миллий иқтисодиётидаги ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			жами	Назарий	Амалий машнулот	Кўчма машнулот			
1.	Жаҳон хўжалигининг ривожланиши. Глобаллашув	4	4	2	2				
2.	Жаҳон иқтисодиётида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти	8	6	2	4			2	
3.	Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий худудларнинг тутган ўрни	6	6	2	2	2			
4	Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар	6	6	2	4				
5	Халқаро иқтисодий ташкилотлар	8	6	2	2	2	2		
	Жами:	32	28	10	14	4	4		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши. Глобаллашув

Жаҳон хўжалиги ва унинг миллий иқтисодиётларга таъсири. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва унинг концепциялари. Жаҳон бозори тузилмаси ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар кўринишлари.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг объектив манбалари ва асосий омиллари. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг ривожланиш босқичлари. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувидаги зиддиятлар ва таҳдидлар. «Антиглобаллашув» феномени. Антиглобаллашув харакатлари. Иқтисодий, молиявий, экологик, гуманитар, миграцион, озиқ-овқат ва иқлим ўзгариши борасидаги таҳдидлар. Жаҳон хамжамиятининг (БМТ) ва G 7, G 20 мазкур таҳдидларни бартараф этиш доирасидаги чора – тадбирлари. Глобал таҳдидларни бартараф этиш механизми.

Жаҳон иқтисодиётида глобал миқёсдаги муаммоларни ҳал қилишда мамлакатлараро ўзаро иқтисодий алоқалар. Халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси. Ихтисослашув ва кооперация. Мамлакатлараро халқаро ҳамкорлик.

2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти

Ривожланган давлатлар саноатига характеристика. Гурухга кирувчи мамлакатлар критерияси, иқтисодиётини умумий белгилари. Иқтисодиётдаги макротузилма. Мамлакатларнинг илмий-техникавий ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги, табиий ресурслари ва меҳнат тақсимоти соҳасидаги имкониятлари. Инсон омилини роли. Миллий иқтисодиётнинг структурасини ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий ривожланишнинг дастлабки шартшароитлари ва хусусиятлари.

“Катта еттилик” етакчи ривожланган давлатларни жаҳон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги, жаҳон савдоси ва халқаро капитал миграциясидаги улуши. Ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ҳозирги давр структураси. Мамлакатлар саноати структурасидаги ўзгаришлар. Асосий саноат ва молиявий марказлар. Дунё хукмронлигининг қўлда ушлаб туришда АҚШнинг иқтисодий ҳамкорлик марказлари. Япония кучли иқтисодий марказ. Ғарбий Европа - саноати ривожланган мамлакатлар жойлашган худуддир.

Ривожланган мамлакатларда ташқи савдо ва унинг замонавий йўналишлари. Илмий-техникавий муносабатлар. Валюта муносабатларини характери.

Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси. Илмий-техника инқилоби (ИТИ) таъсирида ривожланган мамлакатларнинг макроиктисодий структурасидаги ўзгаришлар. Иқтисодий кўрсаткичларни асосий динамикаси. Қисқа муддатли режа ва таввакалчилик. Саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги умумий муаммолар.

Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари, хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни. Мамлакатларнинг асосий гурухлари.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланиш даражасига кўра қалоқ ва ўрта даражада ривожланаётган, ривожланиб бораётган “янги саноатлашган мамлакатлар”га бўлиниши.

Халқаро меҳнат тақсимотида ривожланаётган мамлакатларнинг хуқуқий қатнашиши, мустақилликка эришиш муаммолари. Ташқи қарзларни кўпайиши, ҳал этиш муаммолари. Ривожланаётган мамлакатларда ҳусусийлаштириш жараёнлари.

Янги индустрисал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари. Ўтиш давридаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.

3-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар, уларнинг функциялари ва туркумланиши (классификацияси). Эркин иқтисодий ҳудудлар тажрибаси. “Эркин иқтисодий ҳудуд” (ЭИХ) тушунчаси. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий кўринишлари. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишнинг АҚШ, Хитой моделлари ва уларнинг хусусиятлари. Молиявий ва маъмурий тадбирлар.

Эркин иқтисодий ҳудудларда жорий этиладиган имтиёзлар. Савдо ЭИХлари. Технопарклар. Технополислар. Оффшор ҳудудлар.

4-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар

Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, кўринишлари. Фарбий Евropa интеграциясининг ривожланиш босқичлари. Евropa Иттифоқи ташқилотларининг ташкил топиш механизми. Евropa бўшлиги. Шимолий Америка интеграция йўли (НАФТА). Тинч океани ҳамкорлиги ташкилотининг ташкил топиши. Шарқий Евropa интеграциясининг вазифалари. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари доирасидаги интеграцион жараёнлар.

Халқаро ташкилотлар классификациясига умумий тафсив. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимига кирувчи иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг вазифалари. Халқаро молия-валюта ва кредит ташкилотлар. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотларда қатнашиши.

5-мавзу. Халқаро иқтисодий ташкилотлар

Халқаро ташкилотларнинг таснифланиши. Глобал ва худудий ташкилотлар. Ҳукуматлараро ва ноҳукумат иқтисодий ташкилотлар. БМТ ва унинг тизими. Халқаро ташкилотларнинг ўз фаолиятини қайта қуриши.

Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ)ни ташкил этилиши ва унинг ГАТТдан фарқи. УСТнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари. УСТ тузилмаси ва фаолияти. Умумжаҳон савдо ташкилоти - мамлакатлар ва худудлар ўртасида товар оқимларини тартибга солиш муаммолари билан шуғулланувчи энг салмоқли тузилма сифатида. Ўзбекистон Республикасининг УСТга кириши.

Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро ҳисобкитоблар банки, Халқаро валюта фонди, Бирлашган миллатлар ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Жаҳон хўжалигининг ривожланиши. Глобаллашув

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари
2. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий хусусиятлари
3. Глобаллашув жараёнини ҳаракатлантирувчи омиллар

Калит сўзлар: Жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, молиявий марказлашув, ахборотлар, глобал олигополия, трансмиллий корпорациялар, глобал бозор, очиқ иқтисодиёт, халқаро меҳнат тақсимоти, фантехника тараққиёти.

2-амалий машғулот.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни

3-амалий машғулот.

2. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иктисодий хусусиятлари

3. “Янги индустрисал мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни

Калит сўзлар: ривожланган мамлакатлар, Фарбий Европа, жаҳон машинасозлик саноати, «Катта йигирматалик» давлатлари, ривожланаётган мамлакатлар, халқаро товар алмашинуви, хорижий сармоялар, янги индустрисал мамлакатлар, жаҳон хўжалиги. Муҳокама этиладиган масалалар.

4-амалий машғулот.

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий худудларнинг тутган ўрни

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Эркин иқтисодий худудларнинг моҳияти ва кўринишлари

2. Эркин иқтисодий худудларни яратишда жаҳон тажрибалари. Хитой ЭИХ модели хусусиятлари

3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истиқболлар таҳлили

Калит сўзлар: эркин иқтисодий худудлар, Хитой ЭИХ модели, жаҳон тажрибалари

5-амалий машғулот.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Иқтисодий интеграция моҳияти, босқичлари ва унга таъсир этувчи омиллар

2. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион гуруҳлар

3. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки

Калит сўзлар: иқтисодий интеграция, миллий давлатлар иқтисодиёти, интеграция жараёнлари, интеграцион ташкилотлар

6-амалий машғулот.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг таснифланиши

2. Жаҳон хўжалиgidаги глобал ташкилот - Бирлашган миллатлар ташкилоти

3. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг жаҳон хўжалиgidаги ривожланиш

йўналишлари ва уни мамлакатлар иқтисодиётидага аҳамияти

4. Жаҳон хўжалигида молиявий ва иқтисодий ташкилотлар

Калит сўзлар: халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳон хўжалиги, глобал ташкилот, худудий иқтисодий ташкилотлар

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра сухбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- **бахс ва мунозаралар** (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли сухбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига дикқатларини қаратса олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини мухокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маъruzалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъзуза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тақдимот тайёрлаш	1,0	Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл
2.	Кейс топширигини бажариш	1,5	Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл
	Жами	2,5	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда хал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани мухокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар мухитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалashi, балки уни

тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлади, тушунчалар тавсифини аниқлади, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳуносалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»


Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустакил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив қўниммаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан кутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар ийғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар




Кластер

(Кластер – тутам, боғлаш)

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниклаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йифиш.

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катта қофоз вараги марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алокадор сўз ёки сўз биримаси. Улар чизиқ билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.



Тоифали жадвал

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).


- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тоифали шархни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гурухларда янги ўкув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин.

Ишнинг натижавий тақдимоти

Вени диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниң муваффақияти ташкилотга боғлик бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлик бўлади. Уни қўллашда элементларини қуидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва групда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши. Глобаллашув Режа:

- 1.1. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари**
- 1.2. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий хусусиятлари**
- 1.3. Глобаллашув жараёнини ҳаракатлантирувчи омиллар**

Таянч иборалар: Жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмиаллашув, молиявий марказлашув, ахборотлар, глобал олигополия, трансмиллий корпорациялар, глобал бозор, очик иқтисодиёт, халқаро меҳнат тақсимоти, фан-техника тараққиёти.

1.1.Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари

Жаҳон хўжалиги ўзининг вужудга келиши ва ривожланишида узоқ ва қийин йўл босиб ўтди. Айрим тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даври билан боғлашади (эр.авв.ги II ва эрамизнинг I асрлари). Бунда улар Рим империясини ўша вақтдаги бутунжаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. Бошқа олимлар жаҳон хўжалигини фаолият кўрсата бошлаган даврни XV-XVI асрлар, яъни буюк жуғрофий қашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан шу қашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металлар, ширинликлар ва қуллар билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон хўжалиги чекланган бўлиб, факат савдогарларнинг сармоялари ишлайдиган соҳа бўлган эди халос.

Замонавий жаҳон хўжалиги саноат инқилобидан кейин, капиталнинг монопол босқичига ўтиши давомида вужудга келди.

XXI аср бўсағасидаги жаҳон хўжалиги - ўз миқёсига кўра глобалдир; у тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда жаҳон хўжалигини ривожланиш етакчи тенденцияларидан бири, бу қўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпиқ миллий хўжалиқдан ташқи бозорга юз тутган иқтисодий очик типдаги хўжаликка ўтишидир. Айнан ана шу даврда АҚШ олимлари “Очиқ савдо”, “Очиқ иқтисодиёт” деган тезислар билан чиқдилар. Бу аввало жаҳон бозорида ўз ҳукмронлигини ўтказиш билан боғлиқ эди. Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб ва янада бойиб чиқсан АҚШ ҳукумати томонидан янги иқтисодий тартиб қўлланмалари таклиф этилди. Бундай “Эркин савдо” ва “очик иқтисодиёт” тезислари ҳукмрон иқтисодиётнинг камроқ ривожланган давлатларга қарши қаратилган куроли, шунингдек америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансияга интилишлари эди.

Аммо урушдан кейинги йилларда дунёда ижтимоий-иктисодий ҳолатнинг ўзгара бориши билан боғлиқ ҳолда “Очиқ иқтисодиёт” ҳақидаги тезис америка экспансонизмининг манфаатларига йўналтирилганликни йўқота бориб, жаҳон

хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви маъносини ола бошлади.

Жаҳон иқтисодиётда очиқ иқтисодиётни шаклланишида давлат муҳим роль ўйнади. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқиши рағбатлантириб, хорижий фирмалар билан кооперацияларга, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишига ёрдамлашиб, ўзига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясини олди. Чет элдан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот воситаларини оқиб келишини енгиллаштирувчи мустахкам ҳуқуқий асос яратилди.

Жаҳон иқтисодиётида “Эркин савдо” ва “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаларини фарқлаш лозим. “Эркин савдо” ҳақидаги концепция А.Смитнинг сиёсий иқтисодиётидан бошланиб у ва замонавий америка иқтисодчиларининг кашфиёти эмас. “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаси аслида ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валюталарнинг ўзаро алмашувининг эркин ҳаракатини ўз ичига олган товарлар савдоси кўринишида бўлиб ,у “эркин савдо” тезисидан кенгрок тушунчадир.

Очиқ иқтисодиётни автаркия, ўз-ўзини таъминлаш иқтисодиёти, ҳаддан ташқари ўз кучига суюнишнинг антиподи сифатида ҳам тушуниш лозим. Очиқ иқтисодиётнинг вужудга келиши - бу жаҳон ривожланишининг объектив тенденциясидир. Очиқ иқтисодиёт тамойилларига мос равишда ҳаракат қилиш бу – жаҳон бозори стандартларини тан олиш, унинг қонунлари асосида ҳаракат қилишдир.

Очиқ иқтисодиёт ички бозорнинг чет эл капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучининг оқими учун ақлга тўғри келадиган даражада очиқлигини назарда тутади.

Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари қўйидагилардир:

- ишлаб чиқаришини ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чукурлашиши;

- ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;

- халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши;

- жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.

Шаклланиб бўлган очиқ иқтисодиёт ва очиқ иқтисодиётга ўтиш бир хил нарса эмас. Очиқ иқтисодиёт давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида назоратсизлик ва ҳамма нарса мумкин, чегаралар очиқ дегани эмас. Очиқ иқтисодиёт унинг ақлга сиғадиган даражада амалга ошириш механизмини шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашувини талаб қиласи. Ҳеч бир мамлакатда иқтисодиётнинг мутлак (абсолют) очиқлиги йўқ.

Очиқлик миқдорининг биринчи даражали индиқаторига экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозори билан алоқаларининг миқёси ҳақида тушунча беради. Шундай қилиб, экспортнинг ЯИМга муносабати экспорт квотаси сифатида аниқланади:

$\text{Эк} = \text{Э}/\text{ЯИМ} \times 100\%,$

бу ерда Эк - экспорт квотаси, Э - экспорт ҳажми.

Агар Эк 10% бўлса, иқтисодиётнинг очиқлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиёт очиқлигининг бошқа қўрсаткичи импорт билан ЯИМ муносабатидан келиб чиқувчи импорт квотаси кўрсаткичидир:

$\text{Ик} = \text{И}/\text{ЯИМ} \times 100\%,$

бу ерда Ик - импорт квотаси, И - импорт ҳажми.

Очиқликнинг комплекс кўрсаткичларидан бири деб одатда ташқи савдо квотаси кўрсатилади:

$\text{ТСк} = \text{ТС}/\text{ЯИМ} \times 100\%,$

бу ерда ТСк -ташқи савдо квотаси, ТС - ташқи савдо айланмасининг ҳажми.

Бу қўрсаткичнинг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг ҳисобга олинмаганлигидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, қўрсатиб берилган коэффициент ва қўрсаткичлар ҳар доим ҳам иқтисодиёт Очиқлигининг ҳолатини тўлик қўрсата олмайди. Масалан, ташқи савдо квотаси маълум маънода иқтисодиёт очиқлигини намойиш қиласа ҳам, унинг синтетик қўрсаткичи бўла олмайди. Ташқи савдо квотаси асосан давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини қўрсатади. Бу эса очиқ иқтисодиёт тушунчасининг бир қисми холос. Иқтисодиёт очиқлиги қўрсаткичи эса мураккаброк комплекс қўрсаткичидир.

Хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви тушунчаси ортида алоҳида давлатларни глобал жаҳон мажмуига бирлаштирувчи кўп даражали жаҳон хўжалик алоқалари тизимининг самарали ишлаши турди.

Байналминаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ўсиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлигини характерлайди. XX асрда айирбошлишнинг байналминаллашуви капитал ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига айланади, ИТИ таъсирида ривожланишда сезиларли туртки олади (XX аср 50-йилларининг ўрталари). Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси кескин ўсади. Йирик миқёсдаги ихтисослашган ишлаб чиқариш учун ички бозорлар доираси торлик қила бошлаб, у объектив равишда миллий чегаралардан чиқа бошлайди.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви шундай ҳолатни юзага келтиради, у ҳар қандай мамлакат учун “шахсий ишлаб чиқаришга” эга бўлиш фойдасиз бўлиб алоҳида миллий иқтисодиётлар эса янада кўпроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашадилар. Ишчи қучи ҳаракати, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар билан алмашиш янада байналминал характерга эга бўлади.

Ушбу алоқалар ва ривожланишининг истиқболи шаклланиш қонуниятларини текшириш шуни қўрсатмоқдаки, жаҳон хўжалигини ривожланишининг асосий тенденцияси бўлиб капитал, товар ва хизматларнинг ягона планетар бозорини ташкил қилиш ва алоҳида давлатларни ягона жаҳон хўжалиги мажмуига бирлаштиришга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бу эса глобал

иқтисодиёт масалаларини халқаро иқтисодиёт муносабатлар тизими мажмуи сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқача қилиб айтганда юқорирок даражасидир.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда глобализация феноменини икки томонлама, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада кўриб чиқиши мумкин. Макроиқтисодий даражада глобализация – бу, давлатлар ва алоҳида минтақаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият кўрсатишга бўлган умумий интилишлари тушинилади. Бундай интилишларнинг кўринишлари - либерализация, савдо ва инвестицион тўсиқларнинг олиб ташланиши, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил этиш ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Микроиқтисодий даражадаги глобализация эса корхона фаолиятининг ички бозор чегараларидан ташқарида кенгайиши тушинилади. Тадбиркорлик фаолиятининг миллатлараро ёки кўпмиллий йўналғанлигидан фарқли равишда глобализация жаҳон бозори ёки “жаҳон учлиги” (Шимолий Америка, ғарбий Европа, Япония) бозорларини ўзлаштиришда ягона ёндашишни тушинилади.

1.2. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий хусусиятлари

“Глобаллашув” тушунчаси илк бор америкалик олимлар томонидан киритилган. Т.Левитт 1983 йилда “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни олдин тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган.³

Иқтисодчи Н.Трифт глобаллашувнинг қўйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатади:

- молиявий марказлашувнинг кучайиши. Унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредитлар берилади ва фойдаланилади, шунингдек капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмонлиги ўрнатилади;
- ахборотлар аҳамиятининг ошиши;
- глобал олигополиянинг тўхтовсиз кенгайиши;
- трансмиллий корпорация(ТМК)лар сонининг ортиши;
- трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг шаклланиши ва миллий давлат ҳокимиятининг глобаллашуви.

Калифорния университети профессори М.Кастелс глобаллашув жараёнини “янги капиталистик иқтисод” деб атаб, унда ахборот, билим ва информацион технологиялар ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлик ўсишнинг асосий манбаси эканлигини таъкидлайди.

Россиялик олима И.Г.Владимированинг фикрича, глобаллашув жаҳон иқтисодиёти байналмиллашувининг энг юқори босқичидир.

Умуман олганда, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жаҳон иқтисодиётининг ўзаро боғлиқ турли соҳа ва жараёнларининг кучайиб бориши,

³ Глобализация мирового хозяйства: Учеб. пос / Под ред. М.Н. Осьмовой, А.В. Бойченко. - М.: ИНФРА-М, 2016. С.1.

жаҳон хўжалигида товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ва билимлар бозорини аста-секинлик билан ягона бозорга айланишини билдиради.

ХХ асрнинг охирги чораги жаҳон иқтисодиёти ўз тараққиётининг янги босқичига ўтиши бошланганлиги билан тавсифланади. Бу янги босқич олдинги ривожланиш босқичларидан тубдан фарқ қиласди. Мутахассислар узоқ муддатли тамойилларни белгилаш ва келажакдаги иқтисодий стратегияни аниқлашга интилган ҳолда тузилманинг энг характерли белгиларини муҳокама қилишни давом эттираётган бўлсалар-да, ҳозирги кундаёқ халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий тузилмасининг қўйидаги хусусиятлари ўз-ўзидан намоён бўлиб турибди:

а) самарали, юқори технологик ҳамда ресурсларни тежовчи ижтимоий ишлаб чиқариш билан тавсифланувчи ахборотлар иқтисодиётини шакллантириш;

б) конвейер, кенг халқ оммаси истеъмолига асосланган индустрисал тизимни давлат, аралаш ва, айниқса, хусусий компанияларнинг алоҳида йўналтирилган креатив (ижодий) хўжалик фаолиятига ўзгартириш;

в) миллий иқтисодиётларни очиқлаштириш тамойилларининг худудий миқёсдаги ёпиқ иқтисодий блокларни шакллантириш тамоили билан қўшилиб кетиши;

г) халқаро корпорациялар аҳамиятининг ортиб бориши шароитида давлатнинг тартибга солиш ролининг кучайиши;

д) ҳал этилишида жаҳондаги барча мамлакатларининг жамоавий ҳаракатларини талаб қилувчи, цивилизациянинг глобал муаммолари деб аталмиш экологик, хом ашё, демографик каби муаммоларнинг кескинлашиши.

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим белгиларини санаб ўтган ҳолда, касбий фаолияти хўжалик соҳаси билан боғлиқ ҳар бир мутахассис учун ўз фаолиятида алоҳида корхона доирасидаги жараёнларга жаҳон бозорининг таъсир қилиш омилларини у банк, завод ёки савдо компанияси бўлишидан қатъи назар, билиши ва ҳисобга олиши керак бўлади.

Шунинг учун халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий кўринишларини глобаллашувини ўрганиш, уларни моделлаштириш усуллари кўп омилларга асосланган таҳлил ва статистикани қўлланишига қараб турли-туман бўлишига қарамасдан, макро ва микродаражада жаҳон ва миллий хўжалик конъюнктурасидан муваффақиятли хабардорликнинг зарурий шарт-шароити ҳисобланади.

Глобаллашув жараёни жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларини қамраб олади, яъни;

- ташқи, халқаро, жаҳон миқёсидаги товарлар, хизматлар, технологиялар, интеллектуал мулк объектлари савдосини;

- ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатини (ишчи кучи, капитал, ахборот);

- халқаро молия-кредит ва валюта операцияларини (беғараз молиялаштириш ва ёрдам, иқтисодий муносабатлар субъектларининг кредит ва

қарзлари, қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, махсус молиявий механизмлар ва воситалар, валюта операциялари);

- ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, технологик, инжиниринг ва ахборотлар соҳасидаги ҳамкорликни.

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви қўйидаги жараёнларда намоён бўлади:

- энг аввало ишлаб чиқариш байналмилаллашувининг чуқурлашуви. Ишлаб чиқариш байналмилаллашуви истеъмол учун яратиладиган маҳсулотни тайёрлашда жаҳоннинг турли давлатлари ишлаб чиқарувчилари қатнашишини намоён қиласди. Жаҳон савдосининг асосий қисмини ярим тайёр маҳсулотлар эгаллайди. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувида ТМК етакчи ҳисобланади;

- капиталнинг байналмилаллашувини чуқурлашуви, яъни давлатларо халқаро капитал ҳаракатининг ўсиши, бунда энг аввало тўғри инвестициялар кўринишида, фонд бозорларининг байналмилаллашуви;

- ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий, технологик билимлар воситаларини алмашинувини натижасида, шунингдек халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ресурсларининг жойлашуви натижасида ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашуви;

- халқаро ҳамкорликни амалга оширишни таъминловчи глобал миқёсдаги материал, ахборот, ташкилий-иқтисодий инфратузилманинг шаклланиши;

- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида айирбошлишни байналмилаллашувини кучайиши, бунда халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизматлар соҳаси асосий йўналишлардан бирига айланади.

- халқаро ишчи кучи миграциясининг ўсиши. Бунда ривожланган давлатларда камбағал давлатлардан келган ишчи кучларини малака талаб қилмайдиган ёки паст малака талаб қиласиган ишга жалб этилади.

- ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг байналмилаллашувини атроф-муҳитга таъсирининг ортиши, бу эса замонавий глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг ортишини келтириб чиқаради;

Глобаллашув жараёни қўйидагиларга ўз таъсирини ўтказади:

- минтақавий интеграцион жараёнларни жадаллаштириш;

- ҳозирги пайтда хўжалик юритишни тўлиқ эркинлаштирумаган давлатлар иқтисодиётини очиқлиги таъминлаш;

- барча бозорлардаги иштирокчиларнинг тўсиқларсиз қатнашувини таъминлаш;

- молиявий ва савдо операцияларнинг қонун-қоида ва чегараларини универсаллаштириш;

- бозорларни тартибга солиш ва назорат қилишни бир меъёрга келтириш, яъни унификация қилиш;

- капитал жойлаштириш, инвестицион жараёнлар ва умумжаҳон тўлов-хисоб тизимини стандартлаштириш.

Макроиктисодий даражадаги глобаллашув давлатлар ва интеграцион уюшмаларнинг иқтисодий фаолликка интилиб, савдо ва инвестицион тўсиқларни олиб ташлаш, эркин савдо ҳудудларини ташкил қилиш асосида пайдо бўлади. Ундан ташқари глобаллашув жараёни давлатлараро хўжалик юритиш учун иқтисодий, ҳукуқий, ахборот ва сиёсий миқёсдаги ўзаро келишувларни ҳам қамраб олади.

Микроиктисодий даражадаги глобаллашув компаниялар фаолиятининг ички бозордан ташқарида кенгайиши натижасида пайдо бўлади. Кўпгина йирик трансмилий корпорациялар (ТМК) глобал миқёсда ҳаракат қиласи: улар чегараси ва миллий эгалигидан қатъий назар истеъмолчиларнинг талабини қондириши керак. ТМК учун ички бозорга нисбатан кўпинча ташқи иқтисодий фаолият муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, улар глобаллашув жараёнининг субъекти бўлади. ТМК – бу глобаллашувнинг асоси, уни ҳаракатга келтирувчи асосий кучdir.

1.3. Глобаллашув жараёнини ҳаракатлантирувчи омиллар

Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) илк давлатлар билан бир пайтда объектив реаллик сифатида пайдо бўлган кенг кўламдаги ранг-баранг алоқалар ва муносабатларнинг муҳим таркибий қисмини ифодалайди. Узоқ тарихга назар ташлар эканмиз, қадимги цивилизациялар эрамиздан аввалги IV-III минг йилларда ёк иқтисодий соҳада ўзаро алоқалар олиб боришганига доир бир талай мисолларга дуч келамиз, чунки улар ҳоҳ Қадимий Миср ёки Шумер маданияти бўлсин, ҳоҳ Инд водийси маданияти ёки Шан-Ин давридаги Хитой бўлсин, келиб чиқишининг автохтонлиги (автономлиги) ва жуғрофий жиҳатдан ажralганлигига қарамасдан, бир-бирлари билан хўжалик муносабатларини ўрнатишга ва уларни ҳам давом эттиришга интилишган.

Жуда қўп манбалар шундан гувоҳлик берадики, аҳён-аҳёнда тартибсиз табиатдаги натурал товар айирбошлиш қўринишдаги муносабатлар ўрнига астасекин антик давр (эрамиздан аввалги I мингинчи йиллар - эрамизнинг I мингинчи йилларининг ўрталари)га хос бўлган товар-пул муносабатларининг ривожланиши асосидаги доимий хўжалик алоқалари вужудга келади.

Ўрта асрларнинг бошланиши ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг илгариланма ҳаракатида иқтисодиётнинг ялпи натураллашуви, мулкнинг корпоратив-табақаланган тузилмаси ва ижтимоий муносабатларнинг сакрализациясига асосланган орқага чекинишни келтириб чиқарди. Бироқ шаҳарларнинг ўсиши ва савдо-судхўрлик капиталининг ривожланиши Буюк жуғрофий кашфиётлар очилган даврда мамлакатлар ўртасида иқтисодий соҳадаги алоқаларнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайишига ва Европадаги етакчи давлатлар: Испания, Португалия, Голландия, Франция ва Британиянинг колониал империялари ташкил топишига пойdevor яратди.

Айнан ана шу омил, шунингдек, ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа воситаларида улкан олға силжишни ифодалаган XVIII асрнинг охири - XIX

асрнинг бошларидаги саноат тўнтариши (инқилоби) замонавий кўринишдаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши учун зарур бўлган мухит сифатида глобал иқтисодий макротизимни юзага келиш жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, инсониятни XIX-XX асрлар бўсағасида тараққиётнинг индустрисал даврига ўтиши анъанавий кўринишдаги худудий хўжалик тизимлари эволюциясидан олдинги даврга яқун ясади, жаҳон миқёсида Европа (тўғрироғи, инглиз-америка) бозор иқтисодиёти моделининг ғалабасини ифодалади.

Бошқача қилиб айтганда, бир томондан Европа, Шимолий Америка ва, маълум даражада, Япония миллий хўжаликларини, иккинчи томондан кенг кўламдаги мустамлака периферияларни ўз ичига олган жаҳон иқтисодий комплекси (мажмуаси)нинг юзага келиши халқаро иқтисодий муноабатлар тизимининг шундай кўринишининг яралишига олиб келдики, бу кўриниш шу ҳолатда маълум ўзгаришлар билан ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Албатта, ўтган ўн йиллик давр халқаро иқтисодий муносабатлар табиати ва тузилмасига маълум ўзгартиришлар киритди. Мустамлакачилик империяларининг тугатилиши ва ривожланаётган мамлакатлар (180 дан ортиқ) деб аталмиш гурухларнинг вужудга келиши натижасида иқтисодий алоқалар уч иқтисодий марказ, яъни АҚШ, Европа, Япония билан Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкасидаги ёш давлатлар ўртасидаги алоқалар кўринишини олди. СССРнинг тарқалиб кетиши ва собиқ социалистик мамлакатларнинг туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлига ўтиши режали-буйруқбозлик хўжалигининг самарасиз эканлиги ва ривожланишининг бозор моделига кенг кўламда ўтиш муқаррар эканлигини намойиш қилди. Ва, ниҳоят, ихтисослашув ва кооперациянинг чукурлашуви билан бирга кузатилувчи ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви бир қатор интеграцион гурухлар, шунингдек, универсал ва ихтисослашган халқаро иқтисодий ташкилотлар пайдо бўлишини рағбатлантирди.

Глобаллашув жараёнларининг тезлашишига бир неча омиллар таъсир этади, бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ёпиқ типдаги миллий иқтисодиётдан очик иқтисодиётга ўтиш;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашуви;
- давлат томонидан тартибга солиш усууларининг такомиллашуви;
- трансмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши;
- байналмилал иқтисодий айирбошлиш механизмларининг вужудга келиши;
- фан ва техниканинг ривожланиши.

Давлатларнинг ёпиқ типдаги хўжалик тизими (автаркия)дан қутилишга интилиши хақида гапирганда, етакчи мамлакатлар ўз сиёсаларида глобал бозор макротизимини қуришнинг асосий шарти бўлган барча учун баробар рақобат мухитини сақлаш ёки яратишни илгари сурувчи «очик эшиклар» ва «тeng имкониятлар» тамойилларини амалда қўллаганликларини қайд этиб ўтиш керак.

Халқаро мөхнат тақсимотига келсак, иқтисодий турмушнинг ушбу фавқулодда ҳодисаси хўжалик тараққиётининг илмий-техникавий таркибий қисми биринчи даражали аҳамият касб этганлиги туфайли янги сифатларга эга бўлди. Натижада, миллий иқтисодиётларнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган табиий-жуғрофий омил иккинчи даражали бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, трансмиллий корпорациялар (ТМК) номини олган халқаро монополистик гурухлар давлат чегараларини кесиб ўтиш орқали сайёрамизнинг барча мамлакатлари ва ҳудудлари бўйлаб менежмент ва маркетингнинг янги услубларини тарқатиш йўналишида глобаллашув жараёнларига таъсир этмоқда.

Хўжалик соҳасида байналмилал айирбошлиш механизмлари сезиларли даражада мураккаблашди - кўплаб янги ҳуқуқий меъёр ва тартиблар пайдо бўлди, улар халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди ҳамда иқтисодий масалалар бўйича икки ва кўп томонлама битимларда мустаҳкамланди.

Охиригি эллик йил давомида бир неча ривожланиш босқичларини, яъни автоматлаштириш, компьютерлаштириш, биологизация кабиларни бошидан кечирган илмий-техникавий инқилоб глобал жаҳон бозорида тамомила янги сегментнинг - ахборотлар ва технологиялар бозорининг пайдо бўлишига олиб келди.

Глобал хўжалик макротизими тузилмасини табиий равишда мураккаблашуви бозор муҳити функцияларининг табақаланиши билан бирга кузатилади. Бу функцияларнинг асосийлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- индикатив - бозор агентлари, яъни ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ва истеъмолчиларни товар ва хизматларга талаб ва таклиф тамойиллари йўналиши тўғрисида ахборотлардан хабардор қилиш;
- тартибга солиш - жаҳон нархлари ҳаракатига таъсир ўтказиш;
- коммуникатив - ҳаракатдаги бозор агентлари ўртасида алоқаларни таъминлаш;
- санациялаш - рақобат кураши жараёнида бозорнинг «ўз-ўзини даволаши» жараёни, яъни иқтисодий жиҳатдан самарасиз компанияларни бартараф этиш ва талабга эга бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш.

Глобаллашувнинг бир қатор ижобий ва салбий оқибатларга эга. Глобаллашув жараёнининг ижобий томонларини қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Глобаллашув натижасида халқаро мөхнат тақсимоти ва ихтисослашув чукурлашиб боради. Бунда маблағ ва ресурслар самарали сарфланади. Глобаллашув жараёнининг асосий устунликларидан бири, харажатларнинг қисқариши, нархларнинг пасайиши ва барқарор иқтисодий ўсишга олиб келувчи ишлаб чиқариш миқёсидаги иқтисод қилиш ҳисобланади.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатларидан яна бири эркин савдодан келадиган ютуқ барча мамлакатларни қаноатлантиради. Глобаллашувда

рақобатнинг кучайиши янги технологияларни яратилишини ва мамлакатлар ўртасида кенг тарқалишини таъминлайди. Ушбу шароитда хорижий тўғри инвестициялар сувратининг ошиши жаҳон савдосининг ўсишига олиб келади. Глобаллашувнинг яна бир афзаллиги хорижий давлатларнинг илғор илмий-техник, технологик ва малакали даражадаги қисқа муддатда ва нисбатан кам харажат талаб қиласиган янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш натижасида иқтисодий қулайликка эришишидир.

Глобаллашув жараёнида халқаро рақобат кучайиб, миллий бозордаги ички рақобатчиларга ташки бозордаги кучли рақиблар ҳам қўшилади. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёни энг аввало истеъмолчиларга қулай, бунда рақобат уларга нархларни пасайтириш ва танлаш имкониятини беради.

Глобаллашув илғор технологияларни тарқалиши ва глобал миқёсдаги ишлаб чиқаришнинг рационаллашуви натижасида меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келиши, шунингдек жаҳон миқёсидаги инновацияларни амалиётга узлуксиз тадбиқ этиши мумкин.

Глобаллашув давлатларга молиявий ресурсларининг асосий қисмини айланишини таъминлашга кенг имконият беради. Глобаллашув жаҳон ҳамжамиятини бирлашишини турли соҳалардаги ҳаракатларни фаоллаштиришни талаб қилувчи инсоният учун умумий бўлган муаммоларни, энг аввало экологик муаммоларни ҳал қилиш учун жиддий асос яратади.

Умуман олганда, кўпчилик мутахассислар, глобаллашувнинг пировард натижаси жаҳондаги мамлакатларда фаровонликни ошишига олиб келади, деб умид қиласидар.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви турлича талқин қилинмоқда. Бу жараёнга нафақат олимлар, мутахассислар ва эксперталар балки турли мамлакатларнинг фуқаролари ҳам турлича муносабат билдиримоқда. Глобаллашув жараёнлари ривожланган мамлакатларда ҳайриҳоҳлик билан, ривожланаётган мамлакатларда эса хавотир билан қабул қилинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, глобаллашув жараёнининг афзалликлари барча мамлакатларга teng тақсимланмайди. Шунинг учун глобаллашувдан ким фойда кўради, деган савол мунозараларга сабаб бўлаётган энг асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Замонавий глобаллашув жараёнлари энг аввало саноати ривожланган мамлакатлар мавқенини мустаҳкамлаб, уларга қўшимча афзалликлар беради. Халқаро меҳнат тақсимоти доирасида глобаллашув жараёнининг кенгайиши паст ривожланган мамлакатлар мавқенини салбий ўзгаришига сабаб бўлиб, уларни глобаллашув жараёнини субъектларига эмас, балки обеъктларига айлантириши мумкин.

Демак глобаллашув жараёнларининг алоҳида мамлакатлар иқтисодиётига ижобий таъсирининг даражаси ушбу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидан тутган ўрнига боғлиқ. Амалда афзалликларнинг асосий қисми бой давлатларга ёки индивидларга тегади.

Глобаллашув шароитида марказлаштирувчи кучларнинг марказлашиши билан боғлиқ бўлган бузгунчилик таъсири юзага чиқиши мумкинки, бу

мамлакат ичидағи анъанавий алоқаларнинг узилишига, ижтимоий муаммоларнинг кучайишига, мазкур жамият учун бегона бўлган салбий оқибатлар туфайли барча мамлакатларда юзага келадиган муаммолар сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

- глобаллашувдан келадиган афзалликларнинг миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ўртасида бир хил тақсимланмаслиги;

- миллий иқтисодиётда саноатлашишнинг секинлашуви.

Назорат саволлар:

1. Жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари.
2. Глобаллашув жараёнининг асосий жиҳатлари нимадан иборат?
3. Глобаллашув жараёнларининг тезлашишига қандай омиллар таъсир этади?
4. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий хусусиятларини айтинг.
5. Глобаллашув жараёни қандай ижобий ва салбий оқибатларга эга?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти

Режа:

2.1. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни

2.2. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иктисодий хусусиятлари

2.3. “Янги индустрисал мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни

Таянч иборалар: ривожланган мамлакатлар, Фарбий Европа, жаҳон машинасозлик саноати, «Катта йигирматалик» давлатлари, ривожланаётган мамлакатлар, халқаро товар алмашинуви, хорижий сармоялар, янги индустрисал мамлакатлар, жаҳон хўжалиги.

2.1. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни

XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, бундай гурухга кирувчи давлатлар асосан Европа қитъаси ва Шимолий Америка материгидаги жойлашгандир.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда саноат тармоқларининг ривожланиши қанчалик юқори бўлмасин нарх-навонинг қўтарилиши ушбу давлатларда юқорилигича қолмоқда. Бу ҳолат албатта хизмат қўрсатиш соҳалари ва шуниндек илмий-техникавий инқилобга асосланган янги тармоқли саноат корхоналарининг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатлар гуруҳи ҳозирги кунда ўз таркибида жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатини бирлаштирган бўлиб, бу давлатлар дунё мамлакатлари хўжалигида тутган ўрнига кўра бир неча классификация бўлиб ўрганилади. Улар қуидагилардан иборат:

1. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми бўйича ривожланган катта “еттилик” давлатлар гуруҳи (ушбу давлатлар гуруҳига Россия Федерациясини қўшилиши билан “катта саккизлик” давлатлар гуруҳи деган сўзлар ҳам ишлатилмоқда). Ушбу гурухга АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада каби давлатларни киритиш мумкин.

2. Европа Иттифоқи кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гурухга ГФР, Бельгия, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия, Франция, Швеция, Финландия, Австрия каби давлатларни киритиш мумкин.

3. Европа Эркин Савдо ассоциацияга (ЕАСТ) кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гурухга Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швецария каби давлатларни киритиш мумкин.

4. Бенилюкс гуруҳига кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гурухга Бельгия, Нидерландлар ва Люксембург каби давлатлар киради.

5. Шимолий Америка Эркин савдо шартномасига (НАФТА) кирувчи давлатлар гурухи. Ушбу гурухга АҚШ, Канада, Мексика киради⁴.

Германия иқтисодиёти

Германия Федератив Республикаси - Марказий Европадаги давлат. Шимолий Болтик денгизлари соҳилида жойлашади. Майдони 357 минг км². Аҳолиси 81,322 миллион киши (10.06.2017). Пойтахти — Берлин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 16 ер (штат) га, ерлар округларга, округлар туманларга, туманлар жамоаларга бўлинади.

Германия юксак даражада ривожланган индустрисал мамлакат. Умумий иқтисодий қудратига кўра дунёда учинчи ўринда, жаҳон савдосида иккинчи ўринда туради. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 3413,5 трлн.АҚШ долларини ташкил этади (2016). Аҳоли жон бошига ҳисоблагандан 46 000 АҚШ долларидан тўғри келади. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ва қурилишнинг улуши 33,6 % ни, қишлоқ хўжалигининг улуши 1,2 % ни ташкил этади. Мамлакатда кўнгир кўмир (дунёда биринчи ўрин), тошкўмир, нефт, табиий газ, полиметалл рудалар, калий ва оштузи қазиб олинади. Энергетика, қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кемасозлик, кимё ва нефт кимёси, озиқ-овқат саноати, чиннисозлик гоят ривожланган. Германия саноати асосан ўрта корхоналардан иборат. Саноатда банд бўлган барча ходимларнинг 32 % дан кўпроғи (2,2 млн. киши) йирик фирмаларда ишлайди. «Simens» концерни, «Folkvagen», «BMW» ва «Daymler Bens» каби автомобилсозлик фирмалари, «Хуохст», «Bayer» ва BASF каби кимё концернлари, «Rurkole AG» кўмир қазиш фирмаси, «FEBA» ва «RVE» электр техника концерни ёки «Bosch» гурухи бутун дунёга машхур бўлиб, дунёning ҳамма жойларида филиаллари, корхоналари ёки тадқиқот муассасалари бор. Йирик фирмалар кўпдан-кўп майда ва ўрта корхоналарнинг буюртмачиси ҳисобланади. Бу муваффақиятларда бошқариладиган иқтисодиётдан 1948-йилда бозор хўжалигига ўтилганлиги ҳал қилувчи омил бўлди. Транспорт воситалари ишлаб чиқариш, машинасозлик, кимё саноати, электр техника, озиқ-овқат, металлургия, кончилик, аниқ механика ва оптика, авиация ва космик саноати асосий тармоқлардир. Техника тараққиёти соҳасида Германия саноати дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Германия иқтисодиёти юксак технологиялардан фойдаланиш туфайли фармацевтика маҳсулотлари, энг янги органик кимёвий моддалар ва сунъий материаллар, тиббиёт электроникаси, оптика ва ўлчов асбоблари ишлаб чиқаришда, янги автомобиллар яратиш ва машинасозлика, телекоммуникация, атроф муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари соҳасида дунёда етакчи ўринда.

Германияда қишлоқ хўжалигига яроқли 36 млн. га ер бор. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари: буғдой, арпа, қанд лавлаги, картошка,

⁴ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 125.

шунингдек узум, мева, сабзавот ва бошқалар. Чорвачиликда мол гўшти, чўчқа гўшти, товук гўшти ва сут етиштирилади.

Германия худудининг қарийб учдан бир қисми (10,7 млн.га) ўрмон билан қопланган. Мамлакатда ҳар йили салкам 30—40 млн. куб метр ёғоч тайёрланади, бу ҳажм ички эҳтиёжнинг учдан икки қисмини қоплайди. Германия ёғоч экспорт қиласиган энг йирик давлатлардан биридир. Шимолий ва Болтиқ дengизларида, Гренландия ороли атрофларида балиқ овланади.

Германия дунёдаги ташки савдо айланмаси ҳажми бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Германия четга асосан автомобиллар, станоклар, машиналар, кимё маҳсулотлари ва электр техника буюмлари чиқаради. Четдан хом ашё, электр техника ва тўқимачилик маҳсулотлари олади. Ташки савдодаги асосий мижозлари: Франция, Италия, Буюк Британия, Нидерландлар, Белгия, АҚШ, Россия, Люксембург.

Япония иқтисодиёти

Япония — Шарқий Осиёда, Тинч океандаги оролларда жойлашган давлат. Япония ҳудудида 6,8 мингга яқин орол бўлиб, шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга қарийб 9.13минг км га чўзилган; энг йирик ороллари: Ҳоккайдо, Ҳоншу, Секоку ва Қюшу. Шимолдан Охота дengизи, шарқ ва жан.шарқдан Тинч океан, ғарбдан Япон ва Шарқий Хитой дengизлари билан ўралган. Майдони 377,8 минг км². Аҳолиси 126 319 478 киши (2017). Пойтахти — Токио шаҳри Япония маъмурий жиҳатдан 47 префектурага бўлинади.

Япония — иқтисодий қудрати бўйича жаҳонда АҚШдан кейинги ўринда турадиган юксак даражада ривожланган индустрисалаграр мамлакат. Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Улкан корхоналар билан бирга майда корхоналар ҳам мавжуд (айниқса, енгил ва озиқ-овқат саноатида). Япония иқтисодиёти четдан келтириладиган хом ашё ва ёқилғига асосланган. Япония жаҳон бозорига саноатнинг фанга асосланган муракқаб тармоқлари маҳсулотлари, замонавий конструкцион материаллар етказиб берувчи мамлакат. Япония жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 13% дан ортигини ишлаб чиқариш билан бирга, йирик ҳалқаро иқтисодий, савдо ва молия ташкилотлари ҳамда "саккизлик" давлатларида етакчи мавқега эга. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 38%, қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқ овлашники 2%, хизмат кўрсатиш тармоғиники 60% ни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулоти 4,21 триллион АҚШ долларига тенг (2016). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 32 485 АҚШ долларига тенг.

Саноатида иқтисодий фаол аҳолининг 25% банд. Энергетика, металлургия, автомобилсозлик, кемасозлик, кимё, нефт кимёси, қурилиш материаллари саноати каби таянч тармоқлар четдан олинадиган хом ашё ҳамда технологиянинг энг янги ютуқлари асосида деярли бутунлай янгидан барпо этилди. Энергетика саноати ҳам асосан, четдан келтирилган нефтга асосланган. Йилига ўртacha 1,097 триллион квтсоат электр энергия ҳосил қилинади; унинг 706,4 млрд. квтсоати иссиқлик электр станцияларида, 91,8 млрд. квтсоати ГЕСларда, 295 млрд. квтсоати атом электр станцияларига тўғри келади. Япония

саноатида қора ва рангли металлургия ривожланган. Кон саноатида кўмир, газ, темир ва мис рудаси, пирит, рух, қўрғошин, рух, марганец, кумуш, олтин, симоб, каолин, талк ва ҳ.к. қазиб олинади. Машинасозлик ва кимё саноати юксак тараққий этган. Автомобиллар, машиний техника, электрон асбоблар, алоқа воситалари, кема, пўлат, цемент, пластмасса, синтетик тола, робот ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, биотехнология мамлакат иқтисодий тараққиётининг устувор тармоқлари дандир. Япония саноати 4 асосий минтаقا: Кейхин (Токио, Канагава), Чукё (Айчи, Миэ), Ҳаншин (Осака, Хиого), Кита Кюшу (Фукуока)га бо‘линган. Мазкур раёнларда жами саноат маҳсулотининг 40% дан ортифи ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирида бўлиб, у юқори даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган. Иқтисодий фаол аҳолининг 4,2% қишлоқ хўжалигида банд. Ҳудудининг 12,9% ёки 4,8 млн. гектарида деҳқончилик қилинади. Шунингдек, картошка, сабзавот, оз миқдорда бўғдой ва дуккакли дон экинлари экилади. Мевачилик, боғдорчилик, чорбоғ хўжалиги ривожланган. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, парранда боқилади; пиллачилик ва балиқчилик ривожланган.

Япония четга машина ва ускуналар, металл буюмлар, электроника, кимё маҳсулотлари, электр асбоблар чиқаради; четдан саноат хом ашёси, минерал ёқилғи, озиқ-овқат ва тўқимачилик маҳсулотлари олади. Япониянинг импорти 625,5 млрд. АҚШ долларини, экспорти 624,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (2015). Ташқи савдода АҚШ, Европа Иттифоқи ҳамда Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қиласиди.

АҚШ иқтисодиёти ривожланишининг асосий хусусиятлари

Америка Кўшма Штатлари (АҚШ, ingl. United States of America) — Шимолий Америкадаги мамлакат. Пойтахти — Вашингтон шаҳри, БМТ аъзоси. Америка Кўшма Штатлари Шарқдан Атлантика, ғарбдан Тинч океани, жануби-шарқдан Мексика қўлтифи билан ўралган. Маъмурий жиҳатдан 50 штат ва Колумбия федерал округига бўлинади. Аляска ва Гавайи штатлари мамлакат асосий худудидан ташқарида жойлашган. Пуэрто-Рико Ҳамдўстлиги, Шимолий Мариана ороллари Ҳамдўстлиги, Гуам, Виргиния ороллари, Шарқий Самоа ҳам АҚШга қарашли. Майдони 9373000 км², аҳолиси 320,519 млн. киши (10.06.2017). Ялпи ички маҳсулот ҳажми 18,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди (2016). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 55 000 АҚШ долларидан тўғъри келади. АҚШ — дунёда иқтисодий жиҳатдан энг юксак даражада ривожланган мамлакат. Ялпи миллий маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми, товар ва капитал экспорт қилиш, ишлаб чиқаришнинг тўпланиш ва марказлашуви, илмий тадқиқотларга сарф-харажат бўйича 1-ўринда туради. Бутун дунёдаги саноат ишлаб чиқаришнинг учдан бир қисми АҚШ улушкига тўғри келади. Ҳалқаро бошқарув тараққиёти институти ўтказган тадқиқот маълумотларига кўра, 1994—96 йилларда иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан етакчи давлатлар ўртасида ҳам АҚШ биринчи ўринда турибди.

АҚШ миллий даромадининг 66,3 % саноатда ҳосил қилинади. Саноат ишлаб чиқаришнинг ярмига яқини саноат корпорациялари қўлида. Авиа-

ракета-космик, энергомашинасозлик, электрон, шунингдек нефт кимёси, атом ва энергетика саноати ғъоят тез суратлар билан тарақкий этмоқда. Электр энергиянинг 74 % иссиқлик электр станцияларида, 12,1 % ГЕСларда, 14,1 % АЭСларда ҳосил қилинади. Нефт (Мексика қўлтиғи соҳилидаги Галф, Калифорния, Аляска), табиий газ ва олтингугурт (Галф), кумир (Аппалачи ва Марказий ҳавзалар), темир руда (Юқори кўл атрофи), фосфорит (Флорида), уран, рангли металлар, калий тузлари қазиб олинади. Қора металлургиянинг асосий марказлари — Чикаго, Питтсбург, Детройт, Кливленд, Буффало, Балтимор, Филаделфия. Алюминий саноати Галф атрофида ҳамда Колумбия ва Теннесси дарёлари ҳавзаларида жойлашган. Саноатнинг етакчи тармоғи — машинасозлик ва металлсозлик. Саноат ва энергетика асбоб-ускуналари, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш асосан шимолий-шарқий штатларда, электротехника ва алоқа воситалари ишлаб чиқариш шимолий-шарқий ва Калифорнияда йўлга қўйилган. Автомобилсозликнинг бош маркази Детройт шахри самолётлар, ракета ва космик техника ишлаб чиқарувчи заводлар асосан Лос-Анжелес, Сан-Диего, Бостон, Ню-Ёрк, Филаделфия, Балтимор, Буффало, Даллас, Атланта ва бошқа шаҳарларда жойлашган. Кемасозлик (асосан ҳарбий кемасозлик) АҚШ шимолий-шарқий соҳили портларида ривожланган. Кимё саноати химикатлар, пластмассалар, кимёвий тола, синтетик каучук, локлар, кир ювиш воситалари, бўёқлар, маъданли ўғитлар ишлаб чиқаради. Мазкур тармоқ корхоналари асосан шимолий-шарқий штатларда, Мексика қўлтиғи соҳилидаги шаҳарларда жойлашган. Ҳарбий саноат асосан Калифорния, Ню-Ёрк, Техас, Коннектикут, Миссури, Массачусетс, Виргиния штатларида. Енгил саноат тармоқларидан энг салмоқлиси тўқимачилик ва тикувчилик ҳисобланади. Чарм-поябзал саноати яхши ривожланган.

Озиқ-овқат саноати ўз хом ашёси билан яхши таъминланган. Унинг етакчи тармоқлари — гўшт, сут, ун, ёғ, қанд-шакар, консерва, алкоголли, алкогиз ичимликлар, тамаки.

АҚШ миллий даромадининг 8 % дан кўпроғи қишлоқ хўжалигига ҳосил қилинади. Йирик фермалар етакчи рол ўйнайди. Умуман қишлоқ хўжалиги сермаҳсул ва сертовар бўлиб, муайян ҳудудлар айrim маҳсулот турларига ихтисослашган ва марказлашган. Мамлакатда 2 млн.га яқин фермер хўжалиги бор, бир фермер хўжалиги ўрта ҳисобда 190 га ерда дехқончилик қиласди. Меҳнатга яроқди аҳолининг 2,5 % қишлоқ хўжалигига банд. АҚШда асосан маккажўхори, соя, пахта, тамаки, шоли, картошка, кунгабоқар, қанд лавлаги, шакарқамиш ва бошқа экилади. Буғдойзорлар („буғдой минтақаси“) Буюк текисликлар ва Колумбия платосида (асосан Канзас ва Шимолий Дакота штатлари), маккажўхори („маккажўхори минтақаси“) Буюк кўлларнинг жануб ва ғарбида (Аёва, Иллинойс штатлари) устунлик қиласди, пахтазорлар фақат Миссисипи дарёси водийси ҳамда Техас, Аризона ва Калифорния штатларида учрайди. Қанд лавлаги, шакарқамиш Миссисипи дарёси этакларида ва Гавайи оролларида, тамаки Шим. Каролина, Виргиния ва Кентукки штатларида етиштирилади. Боғдорчилик ва полизчилик Калифорния, Флоридада,

Атлантика океани ва Буюк кўллар соҳилларида кўпроқ. Кенг чўллар ва „маккажўхори минтақаси“ штатларида гўштбоп чорвачилиқ, шим.шарқда ва Калифорнияда сут чорвачилиги ривожланган. Миннесота ва Висконсин штатларида сутнинг кўп қисми қайта ишланиб, пишлок ва сариёғ ишлаб чиқарилади. Кўйчилик асосан қурғоқчил тоғли штатларда ривожланган. Гўштбоп жўжа (бройлер), товук, курка етиштиришга катта аҳамият берилади. Тухум кўпроқ жанубий-шарқий штатлардаги йирик паррандачилик фабрикаларида етиштирилади.

Дунёнинг турли мамлакатларига бевосита маблағ сарфлаш кўпайиб бормоқда. Экспортда ҳам, импортда ҳам тайёр маҳсулот устун. АҚШдан саноат ва энергетика машина-ускуналари, транспорт воситалари, кимё товарлари, тўқимачилик ва қоғоз маҳсулотлари, кўмир, озиқ-овқат ва ембоп дон, соя, пахта, тамаки ва бошқа маҳсулотлар чиқарилади; нефт ва нефт маҳсулотлари, руда ва металл, саноат машина-ускуналари, узок муддат фойдаланиладиган рўзгор анжомлари, кийим-кечак, поябзал, ёғоч, қоғоз, балиқ, гўшт, қанд-шакар, кофе ва бошқа келтирилади. Савдо-сотикдаги асосий мижозлари — Канада, Япония, Мексика, Фарбий Европа мамлакатлари.

2.2. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари

XX асрнинг иккинчи ярминдан бошлаб жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, собиқ мустамлака ва қарам территорияларнинг роли ва аҳамиятини иқтисодий жихатдан кучайиб бораётганлигидир. Ушбу мамлакатлар аввал жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, “учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб” мамлакатлари ёки “периферия” мамлакатлари сифатида тилга олинган бўлса, ҳозирги кунда умумий тарзда ривожланаётган мамлакатлар дея аталади..

Бу мамлакатлар иқтисодиёти турли-тумандир, уларнинг худудида 3,2 млрд атрофида ахоли яшайди. Ушбу мамлакатларда ҳозирги кунда жуда муракаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар кечмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти кўп укладли ижтимоий-иқтисодий таркибга асосланади. Бир қатор мамлакатларда капиталистик уклад билан бир қаторда ҳамон уруг-аймогчилик ва патриархал муносабатлар ҳам мавжуддир. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат ва давлат хўжалик уклади муҳим рол ўйнайди. Давлат секторини ривожлантириш босқичи капиталистик ишбилармонликни кенгайтириш сиёсати билан ҳамоханг олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат капитализми пайдо булади ва ривожланади.

Жаҳон иқтисодиётида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг ухшашлиқ томонлари, яъни уларнинг қашшоқлиги, ахолисининг қолоқлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, саноати ривожланган мамлакатлардан катта микдорда карздорлиги бўлиб хисобланади. Ривожланаётган

мамлакатларнинг кўпчилиги ўзининг тулаконли ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва ахолисининг яшаш турмуш тарзи даражаси бўйича Ғарбий Европани саноатлашган илгор мамлакатларидан қариййб 20-50 маротаба орқада қолмоқда⁵.

Халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш, жаҳон хўжалиги алоқаларининг ривожланиши, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро оқиб юриши, иқтисодий тараққиётнинг асосий шарт-шароитларига айланиб қолди. Мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида иштирок этиш орқали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 60-70 йиллардан эътиборан халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этишга интилиб келмоқда.

Уларнинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш зарурияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни етишириш имкониятига эга эмаслиги билан асосланади. Хозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар деярли саноати ривожланган мамлакатлар учун хом – ашё етишириб берувчи ҳамда нисбатан арzon ишчи кучи манбаи бўлиб қолмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимотида хўжалик фаолиятининг барча шакллари жамланган. Энг муҳими, халқаро савдонинг асосини ташкил этувчи хом – ашё ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча ривожланаётган мамлакатлар билан дунёнинг бошқа ривожланган давлатлари ўртасидаги товар алмашинувини таъминлайди. Халқаро савдо энг паст ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам ташки даромаднинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Аммо, материал ва энергия сиғъимининг кейинги йилларида камайиши муносабати билан ривожланган мамлакатнинг ўсишида табиий хом - ашёларнинг халқаро савдодаги тутган ўрни пасайиб бориш тенденциялари намоён бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида 1990-2010 йилларда Африканинг ривожланаётган мамлакатларини умумий экспорт ҳажмидаги улуши қисқариб борганлиги қайд этилади. Осиё мамлакатларидан жўнатаилаётган саноат ва қишлоқ хўжалик молларининг доимий ўсиб борганлигига қарамасдан у 2 баробарга пасайиб кетган эди. Экспортини асосини ташкил этувчи хом- ашёлардан иборат бўлган ривожланаётган мамлакатларда, уларнинг жаҳон бозорида эгаллаб турган позистияларининг ёмонлашувини тўхтатиш имкониятига эга бўлган қўшимча экспорт ресурсларини излаб топишга бўлган кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун, экспортнинг хилма-хиллигини таъминлашга, яъни чиқариладиган хом-ашёларни қайта ишлаш, бошқа турдаги саноат маҳсулотларни жаҳон бозоридаги эркин харакатини таъминлаш, энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий товарлар экспорти ҳажмини кенгайтириш борасидаги кўпчилик муаммоларга қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги умумий улуши аста-секинлик билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, у 2005 йилдаги 27% ўрнига 2015 йилга келиб 29,7% га етган эди.

⁵ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 136.

Ривожланаётган мамлакатларда жами экспортни таркиблаштириш жараёнлари ҳам содир бўлмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг экспортидаги саноат молларининг улуши ҳам ўсиб борди. Агар у 1970 йилда – 7,6% ни ташкил этган бўлса, 1980 йилда 11% ни, 1991 йилда 19,5% ни, 1995 йилда 25%, 2005 йилда эса 30%ни, 2015 йилда 44%ни ташкил этган.

Саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ўсишида, машина ва асбоб – ускуналар энг муҳим рол ўйнамоқда. Уларни экспорт қилиш 1990-2010 йилларда 35-40 маротабага ўсиб, саноатнинг умумий улуши 35-36% ни, товарлар экспортининг умумий ҳажми эса 22% ни ташкил этган эди. Ривожланаётган мамлакатларнинг баъзи бирлари (Эрон, Конго, Боливия, Парагвай каби 12 давлат) 1990-2000 йиллар мобайнида хом-ашё маҳсулотларни четга чиқариш ҳисобига ўзларининг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш имкониятларини кучайтиришга эришдилар. Бошқа мамлакатлар эса, ўзларининг жаҳон экспортидаги шахсий улушларини, саноатда қайта ишланадиган маҳсулотларнинг ташқи бозордаги актив ҳаракати ҳисобига ошириб борган эди. Ўз навбатида, мазкур гурухлар ўртасидаги алоҳида мамлакатлар эришган муваффақиятларни ҳам алоҳида ажратиб қўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон иқтисодиётида олдинги ўринлардан бирида “янги индустрисал мамлакатлар” бораётган бўлса, бошқа ривожланаётган мамлакатлар эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни қўлга киритишган. Баъзи бирлари эса, масалан, Африканинг энг йирик мамлакатларидан бири бўлган Нигерия ўзининг саноат экспортидаги улушкини тобора қисқартириб бормоқда.

Халқаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишини баҳолаш орқали жаҳон хўжалиги тизимишинг бутунлай нотенглик асосида кўрилганлигини кўришимиз мумкин. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар илмий технологик ютуқлардан кам фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг қолган қисми олдиндек анъанавий индустрисаллашувга, баъзи бир қисми эса индустрисаллашувгача бўлган технологик ютуқларга асосланиб тараққий этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳолати билан боғълиқ бўлган умумий ҳолатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қолоқ ривожланаётган мамлакатлар борган сари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидан “ажратиб” қўйилмоқда. Бундай фикрлар 1996 йилда халқаро савдонинг ривожланишига бағишлиб ўтказилган БМТ нинг конференциясида (ЮНКТАД) қилинган маъruzalарда келтириб ўтилган эди. Маъруза муаллифларининг фикрича, глобал савдо битими мақомини олган ГАТТ – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда субсидияларни қисқартириш кераклигини таъкидлаб ўтади. Бундай вазият, кучсиз ривожланган мамлакатларга нисбатан берилган кучли зарба эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида буғъдой, қанд, гўшт ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор нархлари ошиб бормоқда.

Дунё савдосида хом-ашё ва озиқ-овқат махсулотларининг улуши тобора қисқариб бориши ролини йўқотмоқда. Иктиносидий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги хом-ашёвий ихтисослашув эса вақтинча ўзининг ёрдамчилик ролини бажаришга қодирлигини кўрсатмоқда холос. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденцияларини гувоҳлик беришича; сўнгги ўн йилларда турли хилдаги хизматларнинг ҳажми ва аҳамияти бекиёс даражада ўсиб бормоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг бу йўлдаги имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар. Масалан, сайёхлик ва меҳнат билан боғлиқ хизматлар, турли хилдаги паст маош тўланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт қилиш шулар жумласидандир.

Сайёхлик кўп йиллардан бўён, ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Миср учун туризм соҳасидан келаётган даромад хорижий мамлакатларда вақтинчалик банд бўлган мисрлик ишчилар ҳисобидан келадиган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда туризм БАА юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу кўрсаткич туризмнинг умум жаҳон миқёсидаги 4% ли ўсиш кўрсаткичи билан таққосланганда, йилига 8%ни ташкил этади. БАА кўпроқ миллий иктиносидиётнинг туризм тармоғини динамик ривожланиши билан фарқ қилувчи беш мамлакат қаторига киритилган. Шу нарса қутилмоқдаки, 2020 йилларнинг охирига бориб БАА сайёхлиқдан тушадиган даромаднинг ўлчами бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллаши башорат қилинмоқда.

Хорижий сармоялар – ривожланаётган мамлакатлар иктиносидиётида

Жаҳон иктиносидиётида “қашшоқлик”дан қутилишга бўлган интилиш, иктиносидиётнинг илғор тармоқларини ривожланишга бўлган имкониятни яратиш ва такомиллаштириш ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаб этади. Ана шу мақсадларда, инвестицион муҳитни кафолатлайдиган шарт-шароити мавжуд бўлган махсус минтақавий иктиносидий зоналар ташкил этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни кучайтириб бориши жараёнлари осонлик билан кечеётгани йўқ. Ривожланаётган мамлакатлар иктиносидиётига хусусий сармоялар жалб қилинар экан, энг муҳими, улар динамикали ўсиш имкониятига эга бўлиб, истиқболи порлоқ бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормоқда. Бугунги кунда 75-80 фоиз тўғридан-тўғри йўналтирилган хусусий инвестицияларнинг 20-25 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келмоқда. Бунда асосий ўринни Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари эгалламоқда. Кучсиз ривожланаётган мамлакатлар иктиносидиётининг турғунлиги ва шунингдек улардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, кўпинча саноати ривожланаётган мамлакатларнинг ишибилармон доираларини чўчитиб қўймоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилаётган давлат ёрдамлари, сўнгги йилларда етарли даражада амалга оширилган бўлсада, аср бошидан эътиборан уларнинг миқдори сезиларли даражада қисқариб бормоқда. Ривожланган

мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан давлат миқёсидаги ўзаро ҳамкорлиги ўзининг меъёрига етган 1990 йилдаги даражаси билан таққослаб кўрилганда, бу рақам 12 млрд. АҚШ доллариға камайган. Бу пайтда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан уюштирилаётган ёрдам жами ялпий миллий маҳсулотнинг 0,3% ни ташкил этган холос. Мұхим томони шундаки, Африка мамлакатларига уюштирилаётган барча ташқи ёрдамлар қарзларнинг фоизлари шаклида Фарбий Европа томон қайтиб кетмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда Лотин Америкаси мамлакатларининг ташқи қарзларини ўсиб бораётганлигини биз ташқи қарзларни ахоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлар бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинда турганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсатгич Осиёда 250 долларга teng бўлса, Лотин Америкасида эса 1000 долларни ташкил этади).

Ривожланаётган мамлакатларнинг амалдаги қарзлари хусусий капитал қўйилмаларнинг ҳисобидаги мулкий муносабатлар орқали тўпланиб боради. Ҳозирда кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи ўринни эгаллаган бўлиб, унинг ривожланаётган мамлакатлардаги (биринчи навбатда Осиё мамлакатларида) кредитларнинг умумий миқдори тахминан 600 млрд. Доллардан ошиб кетган.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар томонидан қарзларнинг қайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб турган бир пайтда, қарздорликка қарши курашнинг бирдан-бир йўли, бу кредитор мамлакатларнинг қарзларини кечиб юбориладиган умумий миқдорини 75-100 фоизга етказиш кўзда тутилганлигидир. Бундан кўзланган бош мақсад, 80-йиллардан буён қарзларнинг миқдори юқори суръатлар билан ўсиб келаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришdir.

Трансмиллий корпорациялар кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак иқтисодий ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу корпорациялар техник тараққиётининг ички омилларига ҳам жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, трансмиллий корпорациялар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида мұхим аҳамият касб этмоқда. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бир қатор ишлаб чиқариш саноат тармоқларда (енгил саноат, тўқимачилик, электрон саноати) қўлланиладиган техника ва технологияларни етказиб беришда ТМКлар инвестор-сармоячи сифатида ҳам, шунингдек инвестиция товарларини ёки технологияларини (листанзияларини) етказиб берувчи корпорациялар сифатида ҳам мұхим рол ўйнайди.

2. Ривожланаётган мамлакатларни жаҳон бозорига хом-ашё экспорт қилувчи давлатлардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчилариға айлантириш. Бунда, бевосита қўйилма, ривожланаётган мамлакатларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлари учун тўғридан – тўғри йўналишидаги инвестициялар молиявий ресурсларни оддий жойлаштиришга нисбатан анча мұхим ҳисобланади.

3. Трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларнинг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновацилар ҳозирги кунда асосан саноати ривожланган мамлакатларда тўпланган бўлиб, сўнгги ўн йилликларда улар бир қатор мамлакатларда, айниқса “янги индустриал давлатлар” иқтисодиётида муҳим рол ўйнамоқда. Технологияларни қўлланиши, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ТМКларнинг филиалларини фаолияти улар танлаган мамлакатларнинг табиати учун, шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг ҳаётига таҳдид солмаслиги лозим. Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни ўрнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатлардаги тартибот миллий органларининг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

4. ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд иш билан бандлик муаммоларини ҳам бартараф этади. Шунга қарамасдан, таъкидлаб ўтиш жоизки, тўғридан –тўғри йўналтирилган инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган ишчи ўринлар унчалик кўп бўлмасдан ривожланаётган дунёдаги иқтисодий фаол аҳолининг 1 фоиздан камроқ қисмини таъминлай олади, холос.

5. Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатища ТМКлар имкониятидан кенг фойдаланишмоқда. Ўз навбатида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарлари ҳам ТМКларни ўз иқтисодиётига жалб этиш борасида ўзаро кураш олиб бормоқдалар. Масалан, АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси ўзининг Осиё –Тинч океани минтақаси бозоридаги улушини икки баробарга ошириш мақсадида, унинг 10 фоизга қадар кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Хуллас, жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунларига бўйсунган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар хусусий мақсадлар билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг ҳамда ТМКларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурый параметрларини излаб топмоқдалар.

2.3. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигига тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “Янги индустриал мамлакатлар” (“ЯИМ”) ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигидан иқтисодий параметрларининг барча тизимлари бўйича ажратиб туради.

“ЯИМ”ни ривожланаётган мамлакатлардан фарқланиб турувчи хусусиятларидан бири уларни ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам ажратиб туришлайдир. Яъни, уларнинг ривожланиши “Янги индустриал” ривожланиш модели сифатида мавжуд. Бундай характерли томонлар, Лотин Америкасидаги ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”нинг ривожланиш тажрибасини чуқур таҳлил қилиш жараённида кўзга ташланган эди.

Лотин Америкасидаги “ЯИМ”ларнинг ривожланиш тажрибаси ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”ларнинг кўпчилиги мустақилликка эришган жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари учун халқ хўжалигининг ички

ривожланиш динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларининг экспансияси бўйича ҳам ривожланишнинг ўзига хос намунаси бўлиб қолмоқда. Одатда, ривожланаётган “Янги индустрисал мамлакатлар” қаторига Осийодаги Жанубий Корея, Тайван, Гонконг, Цингапур, Малайзия шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги “ЯИМ”лар –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар таалуклидир. Юқорида санаб ўтилган барча мамлакатлар “ЯИМ”ларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи қалдирғочлари ҳисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сўнгги авлодлари (Филиппин ва Хитойнинг жанубий чегаралари ва бошқалар) етишиб чиқмоқда..

БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича “ЯИМ”лар қаторига кирувчи давлатлар у ёки бу критериялар бўйича алоҳида ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборатdir:

- Ахоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг миқдори бўйича.
- Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бўйича.
- Ялпи ички маҳсулот таркибидаги қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори бўйича (20 фоиз атрофида бўлиши керак).
- Чиқариладиган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт миқдори бўйича.
- Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан–тўғри инвестицияларнинг умумий миқдори ва ҳоказолар.

“ЯИМ”лар ушбу кўрсаткичлар бўйича нафақат ривожланаётган мамлакатлардан ажралиб туради, балки айрим ҳолларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлардан ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эгадир. Масалан, Тайван, 1952-1995 йилларда ахоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 170 маротаба ўстирган эди (ахолининг ўсишига нисбатан 2,5 маротаба ортиқроқдир). Ташқи савдо ҳажмини эса 544 маротабага ошириди. Мамлакатнинг инфляция даражаси ўртача 3,6 фоизни, иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръати 8,7 фоизни ташкил этган эди. Тайван иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг илфор мамлакатлари қаторига киритилган бўлиб, ахоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад тахминан 12 минг долларни ташкил қилган.Шундай қилиб, 1960-1990 йилларда Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш суръати ҳисоблаб кўрилганда унинг миқдори йилига 5 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2 фоизга teng бўлган). Ана шу йилларда Тайванда йиллик ўсиш суръати жуда юқори бўлиб 8,7 фоизни ташкил этган. 90- йилларда Жанубий Корея ва Цингапурда йиллик ўсиш суръатлари 8 фоизни, Малайзияда эса 9 фоизни ташкил этган.

Жаҳон иқтисодиётида “Янги индустрисал мамлакатлар”нинг иқтисодий ривожланиш суръатининг юқорилиги ахолининг яшаш турмуш тарзини яхшилаб бораётганлиги билан уйғунлашиб бормоқда. 1960-1990 йилларда ахоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад ривожланаётган “ЯИМ”да 4 маротаба ўсган эди. Хуллас, халқаро экспертларнинг башорат килишича,

2020 йилга бориб Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари Ғарбий Европанинг ялпи миллий маҳсулотининг ҳажми бўйича қувиб ўтиши, 2025 йилларга бориб эса Шимолий Америкадан ҳам ўзиб кетиши башорат қилинмоқда. Хўжалиги XX асрнинг 70-йилларига қадар Жануби-Шарқий Осиё жаҳоннинг энг қолоқ ўлкаларидан бўлиб келган. Шу йиллардан кейин ички иқтисодий ривожланиш, табиий ресурслар (тоғ-кон) ва чет эл инвестициялари омиллари таъсирида минтақа мамлакатларида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Ҳозирда минтақа мамлакатлари саноатининг ривожланишига кўра 4 гурухга бўлинади:

1. Янги саноатлашган “Осиё йўлбарслари” давлатлари: Жанубий Корея, Цингапур, Таиланд ва Малайзия. Бу мамлакатларда япон капитали таъсирида ва маҳаллий ишбилармонлар фаолияти туфайли “иқтисодий мўжизалар рўй бермоқда. Масалан: Цингапур дунёдаги энг йирик савдо маркази, молиявий марказ, туризм маркази, индустрисал марказ (нефтни қайта ишлаш, кемасозлик, электротехника) ларга айланиб бормоқда. Малайзияда конденсионерлар, электро ва радио техникалар, автомашиналар ва бошқа резина буюмлар, майший техника буюмлари, рангли металлургия саноати; Таиландда табиий каучук буюмлари, рангли металлургия саноати, машинасозлик, енгил саноат ривожланиб бормоқда.

2. Нефт-газ саноати ривожланган давлатлар: Индонезия ва Бруней сultonлиги. Индонезия йилига 65 млн. тоннадан ортиқ нефт қазиб олади, 30 млрд м³ дан ортиқ табиий газ қазиб олади. Асосий саноат тармоқлари: нефтни қайта ишлаш, нефт - кимё, тикувчилик ва тўқимачилик, қораметаллургия саноати, каучук ва ўрмон саноатлари. Энг йирик саноат марказлари: Жакарта, Сурабая, Медон, Паданг, Бандун шаҳарларида жойлашган. Бруней сultonлигига саноат тармоқлари ривожланмаган бўлиб, у ерда қазиб олинаётган нефт (йилига 8-10 млн. тонна) ва табиий газ (10-13 млрд м³) хом ҳолатида экспортга чиқарилади.

3. Индустрлаштириш йўлидан бораётган давлатлар. Бу гурухда Ветнам алоҳида ажralиб туради. Мамлакатда қораметаллургия, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатлари ривожланиб бораётган бўлсада, хўжаликда озиқ-овқат ва енгил саноат етакчидир. Йирик саноат марказлари Ханой ва Хошиминда жойлашган. Мянмада асосан целлюлоза – қофоз саноати, тўқимачилик, озиқ-овқат ва рангли металлургия саноатлари ривожланмоқда. Йирик саноат маркази Янгон шаҳрида жойлашган. Филиппинда асосан тоғ-кон саноати (мис, хром, темир, алюминий), енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланиб бормоқда. Энг йирик саноат марказлари: Манила ва Себу шаҳарлари.

4. Саноати жуда суст ривожланган давлатлар: Лаос ва Камбоджа. Уларда асосан хунармандчилик, заргарлик ва қўлда буюмлар ясаш (сават, бош кийимлари). Бруней ва Шарқий Тиморда замонавий саноат йўқ. Жануби-Шарқий Осиёда озиқ-овқат саноати муҳим ўрин тутади. Дунё бўйича кокос ёғи ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишда мазкур минтақа етакчи бўлиб, бу

соҳада Индонезия, Малайзия, Таиланд давлатлари етакчи. Чой саноати Индонезия, Малайзия, Ветнамда; қанд-шакар саноати Индонезия, Малайзия, Таиланд; кофе саноати Индонезияда; броулер хўжалиги (акарашка) Таиланд, Малайзия, Мянмада яхши ривожланган.

Жануби-Шарқий Осиё қишлоқ хўжалиги асосий ўрнида озиқ-овқат экинлари туроди. Бунга сабаб озиқ-овқат муаммосини бу минтақада ҳалигача ҳал қилинмаганлигидир. Минтақанинг муссон иқлимли жойларида, Меконг, Ировади ва Хонгха дарё водийларида шоликорлик ривожланган. Бу ерларда йил бўйи шоли этиштирилади ва 2-3 марта ҳосил йифиб олинади. Индонезияда жами экин майдонининг 2/3 қисмига, Филиппинда 90 фоизига шоли экиласди. Меконг ва Хонгха дарёларининг делталари Ветнамнинг “шоли саватчаси” номини олган. Минтақадаги 25 асосий шоли этиштирувчи давлатлар: Индонезия, Таиланд, Ветнам, Мянма, Филиппин ҳисобланади. Шакарқамиш этиштириш бўйича дунёда Индонезия 7-ўринда туроди. Мамлакатда йилига 25 млн. тоннадан ортиқ шакарқамиш этиштирилади. Дунё бўйича этиштириладиган табиий каучукнинг 85 фоизини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, аввало Индонезия, Таиланд, Малайзия учлиги беради. Мянма, Таиланд, Лаос чегарасида дунёдаги энг машҳур “олтин бурчак” жойлашган. Асосан Индонезияда, қисман, Ветнамда кофе этиштириш ривожланган. Минтақа қишлоқ хўжалигига юқоридагилардан ташқари чой, какао, пахта, ерёнгоқ, тамаки, кокос ва ёғли палма этиштириш ривожланган. Жануби-Шрақий Осиёда чорвачилик суст ривожланган бўлиб, бу тармоқдан фақат паррандачилик (бройлер) яхши ривожланган. Жануби-Шарқий Осиё дунё бўйича ЯИМ 2,2 фоизини беради. Темир йўл транспорти энг ривожланган давлатлар: Индонезия (7 минг км) ва Мянма (5 минг км). Автомобил транспорти ва йўлларининг узунлиги ортиб унинг аҳамияти ошиб бормоқда. Индонезия ва Филиппинда денгиз транспорти ривожланган. Минтақадаги энг йирик денгиз порти Цингапур (йилига 115 -120 млн. тонна юк ўтказади) ва Бангкок (60 млн. тонна) портлари дидир. Хошимин, Жакарта, Сурабая портлари кичикроқ. Ҳаво транспорти халқаро алоқаларда муҳим ўрин тутади. Энг катта аэропорти Чанги (Синг). Кейинги ўринларда Бангкок ва Жакарта аэропортлари туроди. Жануби-Шарқий Осиё табиий ва тарихий рекреасион ресурсларга бойлиги учун кейинги пайтларда халқаро туризм ва дам олиш тармоқлари ривожланиб бормоқда. Асосий экспорти: нефт-газ, қалай, волфрам, никел, мис, алюминий, хром, радиотехника, резина буюмлар, электротехника, кондисионерлар, шоли, каучук, кофе, кокос ёнғоги ва ёғи, бройлер, тропик мевалар, тамаки. Асосий импорти: машина ва жиҳозлар, капитал, бўғдой, саноат маҳсулотлари. Пул бирлиги: рупия (Индонезия), песо (Филиппин), рентит (Малайзия), доллар (Цингапур ва Бруней), бат (Таиланд), донг (Ветнам), риэл (Камбоджа), кип (Лаос), кят (Мянма).

Назорат саволлари

1. Саноати ривожланган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини қайси кўрсаткичлар билан кўрсатиб бериш мумкин?

2. Жаҳон иқтисодий ривожланишининг учта асосий марказини кўрсатиб беринг.
3. “Катта еттилик” ка киравчи давлатларни санаб беринг.
4. Ривожланган давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини амалга оширишда ТМК қандай ўрин тутади?
5. Саноати ривожланган давлатлар иштирокидаги қандай интеграцион гурӯхларни биласиз?
6. Ривожланаётган мамлакатлар гурӯхига киравчи давлатларни тавсифлаб беринг.
7. Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар неча гурӯхга бўлиб ўрганилади?
8. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган умумий хусусиятларни ҳарактерлаб беринг.
9. Ривожланаётган давлатлар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш қандай аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.
10. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
11. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
12. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu) www.wikipedia.org/

3-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий худудларнинг тутган ўрни

Режа:

3.1. Эркин иқтисодий худудларнинг моҳияти ва кўринишлари

3.2. Эркин иқтисодий худудларни яратишида жаҳон тажрибалари.

Хитой ЭИҲ модели хусусиятлари

3.3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истиқболлар таҳлили

Таяинч иборалар: эркин иқтисодий худудлар, Хитой ЭИҲ модели, жаҳон тажрибалари

3.1. Эркин иқтисодий худудларнинг моҳияти ва кўринишлари

Эркин иқтисодий худуд хақида тушунча биринчи марта 1973 йил 18 майдаги Киото конвенциясида берилган. Унга кўра эркин иқтисодий худуд деб – мамлакатнинг бир қисмини яъни товарлар импорти ва экспортини, божхона ва солиқ чекловларисиз олиб кириш мумкин бўлган худудга айтилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 5 – сессиясида қабул қилинган “Эркин иқтисодий худуд тўғрисида”ги қонуннинг 1 – моддасида эса қўйдагича тариф берилган: - “Эркин иқтисодий худудлар деб – минтақани жадал ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални, истиқболли технологиялар ва бошқарувга оид тажрибаларни жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида хуқуқий тартиботи бўлган маҳсус ажратилган худудга айтилади”.

Умуман олганда эркин иқтисодий худудларнинг 30 га яқин тури бўлади. Улардан кенг тарқалганлари: эркин савдо худудлар, эркин божхона, эркин ишлаб чиқариш, эркин илмий – техник худудлардир. Буларнинг ҳар бири эркин иқтисодий худуд тоифасига киргани билан ўз функциясига кўра бир биридан фарқ қиласиди⁶.

3.2. Эркин иқтисодий худудларни яратишида жаҳон тажрибалари

Хозирги кунда дунёда 400 тадан 2000 тагача эркин иқтисодий худуд мавжуд деб ҳисобланади. Биринчи эркин иқтисодий худудлар АҚШда 1934 йили эркин савдо худуди кўринишида ташкил этилган.

Буюк Британия қўшма қироллиги – худудида ташкил этилган компаниялар фаолияти ва солиқ тизими халқаро майдонда такомиллашган системалардан бири бўлиб, бу қонун қоидалар айниқса оффшор зоналарнинг роивожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бу қонун 1965 йилда Молиявий қонун (Finance act) асосида қабул қилинган бўлиб, Буюк Британия иқтисодиётида фаолият кўрсатувчи барча компаниялар учун амал қиласиди.

⁶ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 89.

Белиз мамлакатининг жанубий қисми хисобланмиш Корсол районида 1994 йилда эркин савдо зонаси ташкил этилди. Мазкур савдо зонасининг асосий мақсади қуйдагилардан иборат бўлиб ҳисобланади:

биринчидан: чет эллик дипломатларга улгуржи ва чакана савдо хизматларини ташкил этиш;

иккинчидан: чет элга сафарга кетаётган ссудноларга товарларни сотиш ёки айрибошлаш;

учичидан: божхона хизматларининг назорати асосида товарларни сувда, қуруқлиқда ва хаво линиялари орқали экспорт қилишни ташкил этиш;

тўртинчидан: улгуржи товарларни божхона хизматларининг худудида сақлаб бериш ва олиб киришни амалга ошириш;

бешинчидан: товар маҳсулотларини бир тадбиркордан олиб иккинчи тадбиркорга сотиш яъни воситачилик функцияларини бажариш.

Хозирги кунда энг тез ривожланаётган иқтисодиётлардан бири бўлмиш - Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти ҳам асосан эркин иқтисодий худудларда амалга оширилган ислоҳатлар туфайли юзага келган ва айнан Хитой Халқ Республикаси хозирги кунда эркин савдо худудларини ташкил этишда энг яхши натижаларга эришган мамлакат ҳисобланади⁷.

Хитой ЭИХ модели хусусиятлари

Хитой мамлакати – ўзининг ривожланиши, тарихи ва мукаммаллиги, ишбилармонлиги борасида фақатгина бизнинг Республикамиз ишбилармонлари учун эмас, балки бутун дунё ишбилармонлари учун ҳам сирли бир мамлакат бўлиб қолмоқда. Шу била бирга хозирда бу мамлакат дунёда иқтисодий ўйғониш ва ривожланиш соҳаларида ҳам муваффақиятга эришмоқда. Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиб ўтмоқчи эдик – ки Хитойнинг ЯММси хозирги кунда деярли АҚШнинг ЯММси билан тенглашиб қолганю Бу кўрсатгичга эса асрлардирки хеч қайси мамлакат иқтисодиёти яқинлаша олмаган.

Эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш Хитой Халқ Республикасида Хитой Коммунистик партияси томонидан 1979 йилнинг ўрталарида кўриб чиқилган. Ташкилотчиларнинг фикрига кўра эркин иқтисодий худудлар “ташқи дунёга ойна” бўлиши керак эди. Хозирги кунда Хитой Халқ Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий худудлар дунёдаги энг омадлиларидан бири бўлиб хисобланади.

Хозирги кунда Хитой Халқ Республикасида 5 та маҳсус эркин иқтисодий худудлар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан учтаси: Шенъчжень, Чжухай ва Шаньтоу Бутун Хитой Халқ вакиллари йиғилишининг Доимий комиссияси қарори билан 1980 йилда ташкил этилган бўлиб, Гуандун провинциясида фаолият кўрсатмоқда. Ўша йилнинг октябрь ойида Фуцзянь провинциясида Самень эркин иқтисодий худудди ташкил этилди. Бешинчи иқтисодий худуд бўлиб хисобланган Хайнань провинцияси – Бутутн Хитойц Халқ Вакиллари

⁷ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 97.

йиғилишининг 7 – чақириқ 1 – сессияси қарорига асосан 1988 йилнинг апрель ойда ташкил этилган⁸.

3.3.Ўзбекистонда эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истиқболлар таҳлили

Эркин иқтисодий худудларини ташкил этишда мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Энг асосийлари сифатида 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “эркин иқтисодий худудлари” тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисидаги Фармони (02.12.2008 й. Н ПФ-4059) кабиларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Навоий шаҳри ҳалқаро аэропорти худудида МДҲ мамлакатларида биринчи бўлган “Навоий” эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг муваффақиятини белгиловчи энг муҳим жиҳатлардан бири – бу унинг ёнида жойлашган трансконтинентал интермодал хаб бўлиб, у 2009 йил январидан буён юк ташиш бўйича дунёда этакчи саналган “Korean Air” компанияси томонидан бошқарилмоқда.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида, “Навоий” эркин индустрисал-иқтисодий зона худудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши - замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгиланди.

Ҳамда, “Навоий” ЭИИХ учун қўйидаги талаблар хукumat томонидан асосий устуворликлар сифатида белгилаб олинди:

-“Навоий” эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш мuddati 30 йилни ташкил этади, ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

-ЭИИЗ фаолияти давомида унинг худудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг худудига кириш, худудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

⁸ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 99.

-алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ худудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қиласди;

-"Навоий" эркин индустрисал-иктисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларидан ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади.

-Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

- "Навоий" эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил этилган барча худуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун маъмурий кенгашга берилади;

-"Навоий" эркин индустрисал-иктисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ худудида ер участкаларини субижараага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ худудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

Ўз навбатида "Навоий" эркин индустрисал-иктисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга бир қатор имтиёзлар тақдим этилган, хусусан - уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қўйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

-3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;

- 10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга.

Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;- 30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечикирилиши мумкин. Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ худудига олиб кирилган

асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки белуп берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Шунингдек, "Навоий" эркин индустрисал-иктисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуидагилар рухсат этилди: улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ худудида хорижий валютада амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан этказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш; экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

Умуман "Навоий" ЭИИЗ Ўзбекистонда фаолиятини бошлаган дастлабки тажриба бўлиб, унинг қандай ривожланиши албатта мамлакатимиз иқтисдиётида жуда катта рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги Фармонига мувофиқ "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Хазорасп" эркин иқтисодий зоналари ташки бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ташкил этилмоқда. "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Хазорасп" ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик уни узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қиласди. Фаолият кўрсатиш муддати мобайнида "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Хазорасп" ЭИЗ худудларида алоҳида солик, божхона ва валюта режими амал қиласди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзбекенерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, "Ўзавтойўл" ДАК ҳамда республика ва ҳудудий даражадаги муҳандислик-коммуникация хизматлари кўрсатувчилар эркин иқтисодий зоналарнинг қатнашчилари –хўжалик юритувчи субъектларнинг коммуникацияларга, уларни ишлаб чиқариш майдончаларига ўз вақтида туташтирган ҳолда, кафолатли уланишини таъминлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларини шакллантиришда уларнинг параметрларида эркин иқтисодий зоналарнинг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун, уларнинг ишлаб чиқилган бош режалари асосида капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутади.

Назорат саволлари

1. Эркин иқтисодий худуд деганда нимани тушунасиз?
2. Эркин иқтисодий худудларни ташкил этишдан мақсад нима?
3. Қайси мамлакатларнинг ЭИХ ташкил этиш бўйича тажрибаларини биласиз ва уларнинг хусусиятлари?
4. Оффшор худудларнинг савдо худудларидан фарқи нимада?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.
10. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
11. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
12. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu) www.wikipedia.org/

4-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар Режа:

4.1. Иқтисодий интеграция моҳияти, босқичлари ва унга таъсир этувчи омиллар

4.2. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион гурухлар

4.3. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки

Таянч иборалар: иқтисодий интеграция, миллий давлатлар иқтисодиёти, интеграция жараёнлари, интеграцион ташкилотлар

4.1. Иқтисодий интеграция моҳияти, босқичлари ва унга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодий интеграция-мамлакатлар ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, у хўжалик механизmlарининг яқинлашувига олиб келади ва бу яқинлашув давлатлараро битимлар шаклини олади ҳамда тегишли давлатлараро органлар томонидан тартибга солинади.

Иқтисодий интеграция бир қатор объектив омилларга асосланган бўлиб, улар орасида қуидагилар мухим ўрин тутади:

- 1) Хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг ўсиб бориши.
- 2) Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви.
- 3) Ўз хусусиятига кўра умумжаҳон илмий-техника инқилоби.
- 4) Миллий иқтисодиётлар очиқлиги даражасининг ошиши⁹.

Иқтисодий интеграция шаклланишининг шарт-шароитларини таҳлил қиласиз. Улар қуидагилардир:

- Интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши ва бозор муносабатларидаги етуклиги даражасининг яқинлиги.
- Интеграциялашаётган мамлакатларнинг жўғрофий яқинлиги, кўп ҳолларда умумий чегара ва тарихан шаклланган иқтисодий адокаларнинг мавжудлиги.
- Ривожланиш, сиёсий ҳамкорлик ва шакллар соҳасида мамлакатлар олдида турган иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги.
- Устунликни намойиш қилиш самараси.
- "Домино самараси".

Интеграция жараёнлари шакллари ва босқичлари¹⁰

	Интеграция типлари	Белгилари
1.	Переференциал савдо келишувлари	Ўзаро савдода тарифлар ва бошқа тўсиклар олиб ташланади. Учинчи мамлакатларга нисбатан миллий тарифлар сақланади. Давлатлараро бошқарув органлари тузилмайди.

⁹ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 146.

¹⁰ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 149.

2.	Эркин зоналари савдо	Битим шакли. Бунда қатнашчилар бир-бирларига нисбатан божхона тарифлари ва квоталарини олиб ташлаш түғрисида ахдлашадилар. Учинчи мамлакатларга нисбатан ҳар кимнинг ўз сиёсати мавжуд бўлади. Мисол учун: НАФТА, АНЗСЕРТА. илгариги Европа иқтисодий ҳамжамияти.
3	Божхона иттифоқи	Учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона сиёсати. Бироқ бунда ҳам жиддийроқ ички қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Европа иқтисодий ҳамжамияти бунинг мисоли бўлиши мумкин.
4	Умумий бозор	Иштирокчи мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг барча ҳаракати учун тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш. Иқтисодий сиёсатни тўлиқ келишиш, иқтисодий кўрсаткичларни тенглаштириш каби масалалар қал этиш жараёнида туради.
5	Тўлиқ иқтисодий интеграция	Ягона иқтисодий сиесат иа бунинг оқибати сифатида қонунчилик базасини бирхиллаштириш. Шартлари: умумий солиқ тизими; ягона стандартларнинг мавжудлиги; меҳнат тўғрисидаги ягона қонунлар ва бошқалар.
5.1.	Иқтисодий иттифоқ	Юқори иқтисодий ривожланиш босқичида пайдо бўлади. Иқтисодий сиёсат (ҳатто ягона иқтисодий сиёсат) келишилади на шунинг асосида барча тўсиқлар олиб ташланади. Давлатлараро (давлатлардан юқори турувчи) органлар ташкил этилади. Барча қатнашчи мамлакатларда йирик иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилади.
5.2.	Валюта иттифоқи	Иқтисодий Иттифоқ шакли ва айни бир унинг йирик қисми. Қуйидагилар валюта иттифоқининг характерли белгилари ҳисобланади: - Миллий валюталарнинг кесчишилган (биргалиқдаги) муомаласи; қатнашчи мамлакатларнинг Марказий банкирлари томонидан мақсадга қаратилган ҳолда қўллаб-қувватланадиган қатыйи бегиланган валюта курсларининг ўрнатиш; ушбу халқаро валюта бирлигининг эмиссия маркази ҳисобданган ягона миңтақавий банк шаклантирилиши. Ривожланаётган мамлакатларда валюта иттифоқи деганда клиринг битимлари тушунилади.

Иқтисодий интеграциянинг миллий давлатлар иқтисодиётига таъсири

Винер ва Биеларнинг концепциясидан бир жуда муҳим хулоса келиб чиқади. Агарда божхона иттифоқи тарифнинг уни ман қилувчи даражага олиб келувчи катталигида ташкил қилинаётган бўлса, божхона иттифоқининг ўрнатилиши батамом савдони ташкил этилишига олиб келади. Лекин агарда Н мамлакат божхона иттифоқига эркин савдо режимидан ўтса, у ҳолда божхона иттифоқининг яратилиши натижаси батамомсавдодан четланишга олиб келади.

Савдони «ташкил этиш» ва «садодан четланиш» тушунчалари халқаро савдонинг «соғ» назарияси доирасида пайдо бўлди. Улар бутунлай сунъий шартлар ва фаразлар асосида қурилган. Бунда Европа иттифоқи оддийгина божхона иттифоқи доирасидан анчагина кенгроқ эканлиги ҳисобга олинаётгани йўқ. Шу сабабли, европа интеграциясининг самараи батамом савдони ташкил этиш – савдодан четланиш самараси билангина аниқланиб қолмайди.

Интеграция динамик самараларинига қуйидагилар киради:

- Ишлаб чиқариш масштабларини кенгайтириш ҳисобига ҳосил бўладиган иқтисод.
- Фирма ва соҳаларга нисбатан ташкил бўлган иқтисод.
- Қутубланиш самараси самараи.
- Реал инвестициялар ва ҳажмларни жойлаштиришга таъсир.
- Умумий иқтисодий самарадорликка таъсир¹¹.

4.2. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион гурухлар

Европа ҳамжамияти юзага келгунга қадар иқтисодиёт фанида «иқтисодий интегратсия» термини маълум эмас эди. Бироқ миллий давлатлар орасидаги «бозорлар интеграцияси» ва «сиёsat интеграцияси» каби жараёнлар узоқ вактлардан бери мавжуд. Ягона миллий бозорлар савдонинг стихияли ривожланиши ва меҳнат тақсимоти натижасида шаклланиб келди. Бу жараёнларнинг юқори босқичи сифатида бирлашган халқ хўжалиги комплексларининг юзага келиши бўлди.

Европа интегратсиялашувининг йўли ҳам шу каби бўлди: ягона ички бозор яратилди, Европа ҳамжамияти бўйлаб ягона иқтисодий қонунчилик тизими ва ягона (ёки ҳеч бўлмаганда уйғунлашган) иқтисодий сиёsat олиб борила бошланди. Бироқ алоҳида олинган миллий давлатлар ичидаги бирлаштирувчи жараёнлар билан давлатлараро бирлаштирувчи жараёнлар орасида жиддий сифат жиҳатидан фарқлар мавжуд эди.

Фақатгина 50-йилларга келибгина тадқиқотчилар жамоатчилик диққат-эътиборини эркин савдо зоналарини ва божхона иттифоқларини ташкил этиш шубҳасиз дунё миқёсида эркин савдо парадигмасидан чекиниш эканлигига қаратади бошлашди.

Интеграция - интеграцион гурух ичидаги эркин савдонинг максимал ривожини, лекин шу билан бирга ушбу гурух ва ташкил олам орасидаги

¹¹ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 150.

протекционизмнинг кучайишини англатади. Шу сабабли, худудий интегратсиянинг рационаллиги ёки иррационаллиги масаласи, пировард натижада, икки ўзаро қарама-қарши самараларнинг нисбатига келтирилади.

Бир томондан, агарда эркин савдо зонасини ёки божхона иттифоқини яратилиши натижасида қиммат ички ишлаб чиқаришни арzonроқ импорт билан алмаштирилса, у ҳолда «савдони ташкил этиш» (траде среатион) рўй беради. Бошқа тарафдан, агарда интеграция натижасида учинчи давлатлардан олинадиган арzon импорт, эркин савдо зонаси ёки божхона иттифоқи бўйича қўшни-давлатдан олинадиган қиммат импорт билан алмаштирилса, у ҳолда «савдони чалғитиш» (траде диверцион) рўй беради. Биринчи бор бу концепция Дж.Винер ва М.Бие лар томонидан 1950 йилда, яъни «олтилик»нинг божхона иттифоқи тузишига қадар, илгари сурилган эди.¹²

Агар:

- Товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларида мукаммал рақобат мавжуд;
- Барча ресурслар тўла машғул;
- Барча катталиклар бирор бир харажатсиз янги шароитларга автоматик тарзда мослашади;
- Алоҳида олинган давлат ичида омилларнинг тўла мобиллиги, ҳамда давлатлараро омилларда мобилликнинг абсолют йўқлиги;
- Харажатлар ва нархларнинг аниқ мослиги;

Винер ва Биеларнинг концепциясидан яна бир жуда муҳим хulosса келиб чиқади. Агарда божхона иттифоқи тарифнинг уни ман қилувчи даражага олиб келувчи катталигида ташкил қилинаётган бўлса, божхона иттифоқининг ўрнатилиши батамом савдони ташкил этилишига олиб келади. Лекин агарда Н мамлакат божхона иттифоқига эркин савдо режимидан ўтса, у ҳолда божхона иттифоқининг яратилиши натижаси батамом савдодан четланишга олиб келади.¹³

Савдони «ташкил этиш» ва «савдодан четланиш» тушунчалари халқаро савдонинг «соф» назарияси доирасида пайдо бўлди. Улар бутунлай сунъий шартлар ва фаразлар асосида қурилган. Бунда Европа иттифоқи оддийгини божхона иттифоқи доирасидан анчагина кенгроқ эканлиги ҳисобга олинаётгани йўқ. Шу сабабли, Европа интегратсиясининг самараи батамом савдони ташкил этиш – савдодан четланиш самараси билангина аниқланиб қолмайди.

Интегратсия иқтисодий назариясининг ривожланиши йўлидаги муҳим қадам бўлиб Б.Балассанинг ишлари бўлди, у интегратсиянинг динамик самараларини ва уларнинг интегратсиялашувчи мамлакатлар ялпи ички маҳсулотларининг ўсиш темпларига таъсирини тизимлаштиришга ҳаракат қилди. Бу каби динамик самаралар қаторига қуйидагилар киради:

¹² Шемятенков В. Европейская интеграция М.: Международные отношения.2003. 242 стр.

¹³ Шемятенков В. Европейская интеграция М.: Международные отношения.2003. 245 стр.

•Ишлаб чиқариш масштабларини кенгайтириш ҳисобига ҳосил бўладиган иқтисод. Бундай иқтисод, агарда бозорни кенгайтириш фирмалар ва соҳаларга интеграстион жараёнлар бошлангунга қадар ишлатилмаган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш имконини берганда юзага келади.

•Фирма ва соҳаларга нисбатан ташқи бўлган иқтисод. Бундай иқтисод бутун иқтисоддаги умумий ва хусусий сарф-харажатларни камйтириш эвазига юзага келиши мумкин.

•Қутубланиш самараси самараи. Бу самаранинг моҳияти қатнашувчи мамлакатларнинг бирида бошқа мамлакатда савдони ташкил этиш ёки ишлаб чиқариш факторларининг бошқа ёққа йўналтирилиши натижасида юзага келадиган иқтисодий фаолиятнинг қумулятив қисқаришидан иборат.

•Реал инвестициялар ва ҳажмларни жойлаштиришга таъсир.

•Умумий иқтисодий самарадорликка таъсир.

Али М.Ел-Аграанинг мулоҳазалари ҳам шу йўналишдадир. Унинг концепциясига кўра, эркин савдо ва божхона иттифоқи зоналарининг афзалликлари қаторига қўйидагилар киради:

- Солиштирма афзалликлар қонунига мос равишда ихтисослашишнинг кенгайиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши.

- Бозор кўламиининг кенгайиши натижасида ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш масштабинининг иқтисоди самарасидан яхшироқ фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши.

- Савдо шарт-шароитларини яхшилашга имконият берувчи, халқаро майдондаги музокаралар позициясининг мустаҳкамланиши.

- Кучлироқ рақобат натижасида зарур бўлиб борадиган ишлаб чиқариш самарадорлиги соҳасидаги ўзгаришлар.

- Илмий-техник прогресс тезланиши натижасида пайдо бўладиган ва ишлаб чиқариш факторларида миқдор жиҳатидан ҳам, сифт жиҳатидан ҳам акс этувчи ўзгаришлар.

Иқтисодий интеграциянинг янада юқори шакллари қўйидагилар натижасида қўшимча ижобий самара беради:

- Чегаралараро савдога ҳалақит қилувчи тўсиқларни бартараф этиш борасидаги ишлаб чиқариш факторлари мобиллигининг ўсиши;

- Пул-кредит ва солик сиёсатининг координацияси;

- Тўла бандликка ўтиш, тезкор иқтисодий ўсиш ва интеграциялашувчи мамлакатларнинг умумий мақсадларига даромадни адолатли тақсимлаш¹⁴

Европа Иттифоқида ва Шимолий Америкада интеграция жараёнларининг ривожланиш эволюцияси.

Интеграция Фарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётида ўзининг энг тўлиқ ривожланишига эришди. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий тарихи 1951 йилдан бошланади. Шу йил апрел ойида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси тўғрисидаги шартнома имзоланди.

¹⁴ В.Шемятенков Европейская интеграция М.: Международные отношения.2003. 248стр

Унга олтита мамлакат — Франция, ГФР, Италия, Белгия, Нидерландлар, Люксембург кирди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос ибтидоси эди. Ғарбий Европа интеграциясининг реал пайдо бўлиши ва ривожланиши 1957 йилга тўғри келади. Шу йили юқорида санаб ўтилган мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) ва Европа атом энергияси ҳамжамияти (Евратом) ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Ҳамжамиятлар таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирди, бу уларнинг кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари белгилаб берди ва бугунги кунда интеграцион гурух сифатида шаклланди (12-жадвал).

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан бошлаб ҳозирги вақтгача нотекис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шу билан бирга Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишда олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақиятли амалга оширилди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йиллар охири — 70-йиллар ўртаси). Ҳамжамият хаётидаги "олтин аср" ҳисобланади. Ушбу босқич божхона иттифоқининг муддатидан олдин ташкил этилиши ягона аграр бозорнинг нисбатан муваффақиятли шакллантирилиши, ЕИга учта янги мамлакат: Буюк Британия, Дания, Ирландиянинг кириши билан характерланади .

Кўпинча "Умумий бозор" деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари қуидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни астасекин бартараф этиш;
- учинчи мамлакатлар билан савдода умумий божхона тарифини белгилаш;
- "инсонлар, капитал, хизматлар" эркин харакат қилиши учун чеклашларни тугатиш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқини ташкил этиш;
- солиқ тизимини бирхиллаштириш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- келишилган иқтисодий сиёсат принципларини ишлаб чиқиш.¹⁵

Иккинчи босқич (70-йиллар ўртаси — 80-йиллар ўртаси) ЕИ тарихига Европа валюта ҳамкорлиги дастури қабул қилинишига, ташқи сиёсий келишувларга муваффақ бўлинганлиги сифатида кирди. Бироқ, барибир пайдо бўлган салбий тенденсиялар ушбу даврда Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий танглигига олиб келди. Ушбу танглик "Евросклероз" деган ном олди. 70-йилларда ва 80-йиллар бошида ЕИ мамлакатлари ўртасидаги ривожланиш даражасидаги тафовут кўпайди. 1981 йилда Грециянинг ЕИ га кириши билан ушбу теденция янада аниқроқ намоён бўлди,

¹⁵ Shodiev R.X, Maxmudov E. "Jahon iqtisodiyoti". – T.: "G'ofur G'ulom", 2005.- 92 bet

чунки ушбу мамлакатнинг иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа қатнашчиларига таққослаганда анча паст даражада эди.

Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми — 90-йиллар боши) — Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалияning қўшилиши илгари мавжуд бўлган мамлакатлараро номутаносибликтининг кескинлашувига олиб келди. Шу билан бирга айни ушбу давр Фарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги янги кучайиш билан характерланади. Бу энг аввало, Ягона Европа Акти (ЯЕА) қабул қилиниши билан боғлиқдир.

Тўртинчи босқич (XX асрнинг 90-йиллари ўртаси — XXI аср боши) да Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йил 1 январдан бошлаб ҳамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш омилларининг эркин харакат қилиши жорий этилди. Амалда ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий макон пайдо бўлди, бу ЕИнинг иқтисодий интеграциянинг сифат жихатидан янги босқичига кирганлигини англатар эди.

Маастрихт шартномаси асосида (1992 йил феврал) 1994 йил 1 январдан бошлаб ЕИХ қатнашчи мамлакатлари сони 15 та бўлган Европа Иттифоқига айлантирилди. ЕИ доирасида тўлиқ ягона ички бозор ташкил этиш амалга оширилди. Бундан буёнги интеграция ҳамкорлиги мақсадлари эълон қилинди. Улар ягона валюта — евро эмиссияси хуқуки билан ягона Европа банки, ички чегараларсиз ягона Фарбий Европа макони барпо этилишини ўз ичига олар эди.

Маастрихт битимлари (1991 йил, декабр) Фарбий Европа интеграциясининг ривожида сифат жихатидан янги бир босқич ҳисобланади, зеро, унда мамлакатларни микро даражада бир-бирига яқинлаштириш вазифаси қўйилган эди.

Маастрихт битимлари Европа Иттифоқига қўйидаги вазифаларни юклаган:

- Ягона валюта яратиш ва уни бошқариш;
- ягона иқтисодий сиёsatни, айниқса, унинг бюджет ишларига тааллуқли қисмини мувофиқлаштириш, назорат қилиш;
- эркин рақобатга асосланган ягона бозорни ташкил этиш ва ҳимоялаш;
- бой ва қашшок минтақалар ўртасида тенгликка интилиш ҳамда (имкон бўлган жойларда) маблағларни қайта тақсимлаш;
- қонунчилик ва тартиб-қоидани қўллаб-куватлаш;
- учинчи мамлакатларга нисбатан бамаслаҳат юритиладиган савдо, кейинроқ эса умумий иқтисодий сиёsat тўғрисида, иқтисодий сиёsatни ягоналаштириш борасида ҳам келишиб олишларини назарда тутади.¹⁶

"Ягоналашган", мувофиқлаштирилган умумий иқтисодий сиёsatни амалга оширишни тақозо этувчи мазкур қоидаларни рўёбга чиқариш йўлида эса ижроия - мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган халқаро давлат ташкилотларига эҳтиёж туғилди.

Ҳозирги кунда 28 давлатдан иборат бўлган Европа Иттифоқи АҚШ ва Япония билан биргаликда дунёдаги асосий ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчилардан бири ҳисобланади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра

¹⁶ Shodiyev R.X., Maxmudov E. "Jahon iqtisodiyoti". – T.: "G'ofur G'ulom", 2005.- 98 bet

жаҳон товарлар ва хизматлар экспортининг 33,7 фоизи ва импортнинг 32,6 фоизи унинг улушига тўғри келади. Айни вактда ЕИ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги улуши кейинги йигирма йилда

Жаҳон хўжалигида интеграцион марказлардан бири Шимолий Америка ҳудуди ҳисобланади. Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси — НАФТА ташкил этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши ривожланаётган интеграция жараёнларидан биридир.

АҚШнинг Канада билан мавжуд иқтисодий интеграцияси ва уларнинг Фарбий Европадаги шериклар билан ҳамкорлиги АҚШни қониқтирумай қўйди. Натижада Шимолий Америкадаги интеграция жараёнлари давлатлар ташқарисига чиқди. Шимолий Америка эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома имзоланди ва у 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташкари Мексика ҳам киради. Блокнинг ҳудуди 380 млн. аҳолини ўз ичига олувчи кенг ҳудудни ташкил этади ва у қудратли иқтисодий салоҳиятга эга. Ушбу мамлакатлар томонидан жаҳондаги йиллик товарлар ва хизматлар экспортининг 13,9 фоизи ва товарлар ва хизматлар импортининг 16,8 фоизи ишлаб чиқарилади.



Шартноманинг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада, Мексика ўзаро савдо қиласидан товарларга божхона пошлиналарини бекор қилиш;
- Шимолий Америка бозорини ўз товарларини Мексика орқали АҚШга қайта экспорт қилиш йўли билан Америка пошлиналаридан халос бўлишга уринувчи Осиё-Европа компанияларининг экспансијасидан ҳимоя қилиш;
- Мексикада банк ва суғурта ишида Америка ва Канада компанияларининг рақобатига ва капитал қўйишига тақиқ қилиш;
- атроф-муҳитни қўриқлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гурухлар ташкил этиш.

Савдо блоки истеъмолчилари тузилган битимдан энг кўп фойда олдилар, чунки рақобатининг кучайиши ва тарифларнинг пасайиши натижасида кенг доирадаги товарларнинг нархлари пасайди. Америка саноатчилари қулай мавқени эгалладилар, чунки арzon иш кучи оқими ўсди. Америка иқтисодиётининг электроника, компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши сингари секторларида даромадларнинг кафолатли ўсиши қутилмоқда. Мексикага келганда эса, у НАФТА ёрдамида ўзининг иқтисодий ривожланиши суръатларини ялпи ички маҳсулот ўсишининг жадаллаштиришни режалаштирмоқда. Натижада Мексика ўз иқтисодиётини ислоҳ қилиш даврини ва ривожланган мамлакатлар клубига яқинлашишни 30-40 йилдан 10-15 йилгача қисқартиришга муваффақ бўлади.

Осиё-Тинч океани миңтақасыда интеграцион жараёнларнинг хусусиятлари

Осиё-Тинч океани миңтақасы интеграцион жараёнларининг учинчи энг иирик маркази ҳисобланади. Деярли 30 йил мобайнида Жануби-Шаркий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) муваффақиятли фаолият кўрсатмокда. Унга Осиёдаги тўртта "аждаходан бири — Сингапур, шунингдек, "янги тўлқин" — янги индустрисал мамлакатлар — Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин киради. Ушбу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти АСЕАН катнашчилари бўлган кўпчилик мамлакатларнинг шиддатли иқтисодий ўсиши, улар ривожланишини таққослаш мумкинлиги, яхши йўлга қўйилган ва узоқ, тарихий анъаналарга эга бўлган ўзаро савдо алоқаларининг мавжудлиги, шунингдек, ҳамкорлик шаклларининг тартибга солиниши билан мустаҳкам боғлиқдир. АСЕАН режаларида 2000 йилгача қатнашчи мамлакатлар божхона пошлиналарини 38 минг турдаги товарлар бўйича ўргача 5 фоизга пасайтириш режаси мавжуд эди. 1995 йил охирида 2000 йилда, воқеалар кўнгилдагидек ривожланган такдирда 2002 йилда эркин савдо заси барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди¹⁷.

4.3. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳада кўпгина ютуқларга эришди. Республикализнинг жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиши ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама сиёсат юритиши давлатимизнинг жаҳон хўжалигига тутган ўрнини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб кирган энг муҳим бирлашмалардан бири - Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) бўлиб, у 1991 йил декабрда тузилган. Хозир МДҲга Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Белорусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Кирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Туркманистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина киради.

Ҳамдўстлик мақсадлари қўйидагилар:

- демократик хуқуқий давлатлар тузиш, улар ўртасидаги муносабатлар давлат мустақиллигини ва суверен тенгликни ўзаро тан олиш ва хурматлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш хуқуқи, тенг хуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик, ҳар қандай тазиқлардан воз кечиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон хуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан кичик миллатлар хукуқларини хурмат қилиш, мажбуриятларини ва бўшқа умум тан олинган ҳалқаро хуқуқ тамойиллари ва нормаларини ҳалол бажариш асосида ривожланади;
- бир-бирларини худудий бутунлигини ва мавжуд чегаралар бузилмаслигини тан олиш ва хурмат қилиш;

¹⁷ James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. – page 158.

- чукур тарихий илдизларга эга бўлган халқларнинг туб манфаатларини ҳамда қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш;

- фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни саклаш.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) аъзоси бўлди. ИХТ Афғонистон Ислом Давлати, Озарбайжон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Козогистон Республикаси, Покистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркия Республикаси, Туркманистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси каби давлатларни бирлаштиради. 1992 йилда Техронда олий даражадаги ИХТ учрашуви пайтида эълон қилинган ахборотда ИХТ аъзоларининг иқтисодий фаровонлиги йўлида кўптомонлама минтақавий ҳамкорлигини кўзда тутувчи мақсадлар ва вазифалар эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари

Бутунги кунда мамлакатимиз улкан худудга, кўп миллионли аҳолисига, турли-туман ресурсларга эга бўлсада, у бошқа мамлакатлар билан доимий ва белгиланган иқтисодий алоқаларга эга бўлмасдан туриб, якка ҳолда ривожланишнинг юқори чўққиларига эриша олмайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилиш жараёни объектив тузилмавий шарт-шароитлар этилган ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг хўжалик механизми ислоҳ қилина борган сари босқичма-босқич ривожланмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига муносаб тарзда кириб боришига йўналтирилган стратегия республиканинг иқтисодий салоҳиятига асосланиши реал вазиятидан келиб чиқкан ҳолда туғилади ва у давлатимизни сиёсий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг моддий-ашёвий асосларини у ёки бу минтақавий гуруҳлар ёхуд иттифоқларга бирлашган мамлакатларнинг интеграциявий салоҳияти ташкил қиласди.

Мамлакатнинг интеграцион салоҳияти деганда, фикримизча, халқаро иқтисодий интеграциянинг алоҳида томонлари-субъектлари амалга оширадиган халқаро ишлаб чиқариш-иктисодий ҳамкорлик ва алмашув предмети бўлган миллий табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, молия-кредит, савдо ресурслари, илмий ходимлар ва одамларнинг ақлий қобилияти мажмуини тушуниш зарур. Ўзбекистоннинг интеграстион алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиласиган омиллар ва шароитлар орасидан республика интеграцион салоҳиятининг қуидаги аниқ-равshan устунликларини санаб ўтиш мумкин:-
Ўзбекистоннинг евроосиё қитъасидаги қулай геостратегик жойлашуви;

- ер, минерал-хомашё ва ўсимликларнинг анча катта заҳираси, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган тенги йўқ тупроқ-иклим шароитлари;

- муҳим ташқи савдо ва экспорт салоҳияти;

- тегишли давлатлараро коопрециялашув ва биргаликдаги инвестициялар

мавжуд бўлганда анча қисқа муддатлар ичида тайёргарликнинг юқори даражасига эга ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти;

- инсонлар салоҳияти, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурслари, шунингдек, нисбатан арzon (жаҳон миқёсида олиб қараганда) иш қучининг мавжудлиги;

- ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, биринчи навбатда республикани МДҲнинг бошқа минтақалари билан боғлаб турадиган, автомобил ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;

- республикада чет эл капиталини инвестиция қилиш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий ва интеграцион ҳамкорликнинг яхши кафолати бўлган барқарор сиёsat.

- Юқорида кўрсатилган позициялар бўйича миллий иқтисодиётнинг бозор иқғисодиётига ўтаётган шароитида мамлакат интеграциявий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш учун бу салоҳиятнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш керак.

Биринчи навбатда, бу потенциалнинг таркибий қисмлари бўлган геостратегик жойлашув, табиий-хомашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек экспорт имкониятлари кабиларни тавсифлаш лозим.

Республика ноёб табиий бойликларга, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган евроосиё йўллари чорраҳасида белгилаган. Бизнинг Республикамиз евроосиё иқтисодий ва маданий кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар ва маданий қадриятларнинг харакати ва алмашуви учун яхши шароит яратилган.¹⁸

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиши ва унинг жаҳон хўжалиги тизимиға интеграциялашуви, ўз навбатида унинг салоҳияти, дунёда тутган мавқеи билан характерланади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой йўлка. Мамлакат худудида 22700 дан ортиқ фойдали қазилма бойликлари кони мавжуд, улардан 900 га яқини ўзлаштирилган.

Ўзбекистоннинг келажаги қимматбаҳо қазилма бойликлари, рангли ва ноёб металлар, органиқ ёнилғиларнинг барча турлари - нефт, табиий газ ва газ конденсати, кўмир, уран, қурилиш материалларининг кўплаб турлари ва бошқа конларни ўзлаштириш билан боғлиқ.

Қатор фойдали қазилмалар - олтин, табиий газ, волфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолинларнинг аниқланган заҳиралари ва истиқболли лойихалари бўйича Ўзбекистон нафақат МДҲда, балки дунё миқёсида ҳам этакчи ўринларни эгаллайди.

¹⁸ Жаҳон иқтисодиёти. Назарова Г.Г.,Халилов Х.Х., Ханова И.М.,Хакимов Н.З., Бобоҷонов Б.Р. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й

Ўзбекистон қазиб олинадиган олтиннинг умумий хажми бўйича дунёда саккизинчи ўринни, уни аҳоли жон бошига ишлаб чикариш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллайди; республика 30 га яқин олтин конлар аниқланган. Мурунтодаги олтин конларини (микдори ва сифати бўйича) Колондайк (АҚШ), Витватерсранд (ЖАР), Колар (Ҳиндистон) сингари жаҳондаги энг йирик конлар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Мустақиллик шарофати туфайли, олтин заҳираларини ўзи тасарруф этиш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон, жаҳон олтин бозорида ҳам тенг хуқуқли ҳамкор бўла олиши мумкин.

Бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича газ конденсати заҳираларининг 74 %, нефтнинг 31 %, табиий газнинг 40 %, кўмирнинг 55 %и Ўзбекистон ҳиссасига тугри келади. Табиий газ қазиб олиш бўйича республика МДҲ мамлакатлари ичиде учинчи ўринда ва дунёдаги бу соҳанинг кучли етакчи 10 мамлакатлари қаторида туради.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ва МДҲ доирасида пахта етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб ҳисобланади. Агар бутун Марказий Осиё мамлакатлари 2 млн. тонна пахта толаси етиштирса, унинг 1,4 млн. тоннаси ўзбек толасидир. Ўзбекистон пахта толаси етиштириш бўйича дунёда тўртинчи ўринда, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистон газ узатиш тизими МДҲ давлатларининг ягона газқувур тизимида киради. У Марказий Осиё, Россия ва Украина каби Европа давлатларига газ узатиш техник имконияти билан биргаликда 9 та бош газ транспорт тармоғи нафақат Ўрта Осиё учун, МДҲнинг Европа қисми давлатлари ва Кавказорти учун ҳам умум давлат аҳамиятига эга.

Республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарисида ва ташқари ташишни МДҲ, яқин ва узок хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминловчи тармоқланган транспорт тизими шаклланди. Ўзбекистон Козогистон республикаси билан мустаҳкам транспорт алоқасига эга. Бу алоқа орқали республикамизнинг Россия, Хитой, Осиёнинг бошка давлатлари ва Тинч океани региони автойўлларига чиқиши таъминланади. Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида Трансосиё магистралининг бир қисми ҳисобланган, Жанубий-Шарқий Осиёни Фарбий Европа билан туташтирадиган ва Транссибир магистралидан 1500 км қисқа бўлган Тажан-Сераҳс-Машҳад янги йўли ишга туширилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларига Поти порти орқали Европа билан боғланиш имкониятини берувчи Туркманистон ва Транскавказ йўли орқали ўтган транспорт йўлаги ўзлаштирилди.

Республика автомобил йўллари тармоғи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Мавжуд автомобил йўллари республика ҳудудди орқали Кирғизистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Афғонистон, улар орқали эса Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари йўлларига транзит юк ва йўловчиларнинг узлуксиз ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистон миллий авиакомпанияси Боинг- 747, А-310, Ил-86, ТУ-154 ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги ҳаво кемаларига эга.

Хозирги вақтда Ўзбекистон МДҲнинг бир неча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг 20та давлати:АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейстария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Истроил, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа давлатлар билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Мавжуд транспорт ва телекоммуникацион тармокларнинг ривожланиши, Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги нуфузини оширмоқда ва унинг халқаро алоқаларини янада кучайтиромокда.

Саёҳатни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Республика ҳудудида 4 мингдан ортиқ меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг кўпларини ЮНЕСКО ўз муҳофазасига олган.

Ўзбекистоннинг халқаро бозорга мустақил суръатда чиқиши ва дунё хўжалигига интегратсиялашуви шароитларида унинг бошланғич иқтисодий салоҳияти жаҳон хўжалигига самарали қўшилиш истиқболларига умид қилиш имконини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг қандай босқичлари характерлаб беринг?
3. Интеграцион жараёнлар миллий давлатлар иқтисодиётини ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини характерлаб беринг.
4. ЕИ интеграциясининг истиқболи..
5. Жаҳондаги интеграцион бирлашмалар хақида фикрингиз?
6. НАФТАни тузилишидан асосий мақсад

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев.- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.

8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.

9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

10. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;

11. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);

12. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu) www.wikipedia.org/

5-мавзу. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли

Режа:

5.1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг таснифланиши

5.2. Жаҳон хўжалигидаги глобал ташкилот - Бирлашган миллатлар ташкилоти

5.3. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг жаҳон хўжалигидаги ривожланиш йўналишлари ва уни мамлакатлар иқтисодиётидага аҳамияти

5.4. Жаҳон хўжалигига молиявий ва иқтисодий ташкилотлар

Таянч иборалар: халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳон хўжалиги, глобал ташкилот, ҳудудий иқтисодий ташкилотлар

5.1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг таснифланиши

Халқаро иқтисодий муносабатлар мураккаб иқтисодий механизм сифатида бир томондан бозорга хос ўз-ўзини бошқариш қобилиятига эга бўлса (ХИМнинг моддий асоси ҳали ҳам жаҳон бозори ҳисобланади), иккинчи томондан, айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро алоқаларни осонлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни яратишни талаб этади. Айни пайтда шуни қайд этиб ўтиш керакки, биринчи (1914-1918 йиллар) ва иккинчи (1939-1945 йиллар) жаҳон урушлари орасида халқаро ташкилотларни гуркираб вужудга келиш жараёни (шу даврд Халқаро меҳнат ташкилоти, ўзининг «Инкотермс» каби тижорий ҳужжатлари билан таниқли бўлган Халқаро савдо палатаси, Халқаро ҳисобкитоблар банки ташкил этилган) ва айниқса 40-йилларда иккита тўқнашувни бошидан кечирган давлатлар тарихидаги фавқулотда ҳолатлар ва 1929-1932 йиллардаги чуқур иқтисодий таназзул билан боғлиқ. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вужудга келишининг иккинчи «тўлқини» ва ҳаракатдаги фаолиятининг фаоллашуви иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизимининг парчаланиши ҳамда 60-70 йиллардаги иқтисодий чайқалишлар билан боғлиқдир. Ва ниҳоят, 80-йилларнинг бошларида халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлигини кўришимиз

мумкин. Жаҳонининг кўплаб мамлакатларининг ҳукумат органлари замонавий ҳалқаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларни мустақил ҳал эта олмадилар ва натижада улар қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилиш усулларини ишлаб чиқара бошладилар. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётida иқтисодий гуллаб-яшнанш ва жаҳон ҳалқлари фаровонлигини таъминлаш масаласи билан шуғулланвчи минглаб ҳалқаро ташкилотлар ҳисобга олинган. Экспертларнинг фикрича жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир ўtkаза оладиган ҳалқаро ташкилотлар сони 100 та атрофидадир.

Ҳалқаро иқтисодий ташкилотларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган қўйидаги омилларни келтиришимиз мумкин:

1. Инсонлар ҳаётининг бир бирига боғликлигининг янада ўсиши;
2. Саноат револютсияси ва илмий ютуқлар инсонларни бир-биридан ажратиб турган масофаларни қисқартириши ва ҳалқаро муносабат ва ҳамкорликни кенгайтириши;
3. Савдо, валюта- молия муносабатлари, капитал бозори умуман иқтисодий ўсиш;
4. Давлатларнинг барча соҳада бир – бирларига боғлиқлигининг ўсиши;
5. Дунёдаги умумий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг зарурлигини чукурроқ англаш.

Давлатнинг ҳалқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши унинг ҳар томонлама ривожланиш имкониятларини оширади. Чунки ҳалқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш, унинг бошқа аъзо давлатлари билан ҳам кенг ҳамкорликни йўлга қўйишни таъминлайди.

Ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар топологияси ҳақида гапирганда, иккита мезондан (жуғрофий қамрови кенглиги ва фаолият хусусиятлари) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Биринчисидан келиб чиқиб, икки томонлама, худудий ва глобал тузилмалар ажратиб кўрсатилади. Иккинчи мезонни қўллаган ҳолда маҳсуслаштирилган (соҳалар бўйича) ва глобал ташкилотларга эга бўламиз. Буларнинг ичida айниқса 1945 йилнинг 24 октябрида ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тасарруфидаги иқтисодий ҳамкорлик органлари алоҳида ўринга эга. БМТ – иккинчи жаҳон урушидан сўнг Антигитлер коалицияси аъзолари томонидан ташкил этилган энг универсал, обрў-эътиборли ва сон жиҳатдан энг йирик ҳалқаро ташкилот ҳисобланади.

5.2. Жаҳон хўжалигидаги глобал ташкилот - Бирлашган миллатлар ташкилоти

БМТ штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, унинг таркибида 190 дан ортиқ аъзо-мамлакат мавжуд. БМТ низомининг 1-моддасида ташкилот фаолиятининг асосий мақсадлари ичida, «иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар ҳарактердаги ҳалқаро муаммоларни ҳал этишда ҳалқаро ҳамкорлик қилиш» мақсади ҳам этакчи ўринда туради. БМТ иқтисодий соҳада асосан қўйидаги тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

-глобал муаммоларни ҳал этиш;

- давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги узилишларни енгиб ўтиш;
- худудий ривожланишни рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларнинг фаолиятида ахборот, техника-маслаҳат ва молия соҳасида ҳамкорликларни ҳам ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлари, шунингдек, 18 та маҳсуслаштирилган институт ва бир қатор автоном тузилмалар бўлимлари Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Секретариат ҳисобланади.

Бош Ассамблея йилида бир марта сессиялар ўтказади (сентябр, декабр), бу сессияларнинг ҳар бирида раис, унинг ўринbosарлари ва асосий қўмиталарнинг бошлиқлари сайланади. Жаҳон иқтисодиётидаги асосий масалалар ҳам умумий мажлисларда ҳам маҳсус иккинчи қўмита доирасида муҳокама қилинади.

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаш бўлими (ЭКОСОС) 1946 йилда ташкил этилган. 54 мамлакат унинг аъзолари саналади ва аъзоларнинг учдан бир қисми (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франциядан ташқари) ҳар йили уч йил муддатга қайта саналади. Юқоридаги бешта давлат уруш ва тинчлик масалалари билан шуғалланувчи Хавсизлик кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибиға киради. Кенгаш одатда бир йилда икки марта (ижтимоий-хуқуқий ва гуманитар мавзуда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича) сессия ўтказади. ХИМ муаммолари бўйича қарорлар ва тавсиялар қабул қилиш хуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти ҳам ЭКОСОС зиммасидадир. Бугунги кунга келиб ЭКОСОС олтида доимий қўмита, эттинчи функционал ва бешта худудий комиссияларни таъсис этган. Булардан ташқари 18 та маҳсуслаштирилган муассаса, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва ЮНКТАД Халқаро савдо маркази ҳам ЭКОСОС патронажи остида фаолият олиб боради. БМТнинг иқтисодий органлари тизимида учинчи бўғин сифатида Секретариат фаолият олиб боради. Секретариат бир неча бўлимлардан (иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департамент) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочи тузилма сифатида иш олиб боради.

Жаҳон хўжалиги муаммоларини ҳал қилишда БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича Анжумани (ЮНКТАД) ва БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1964 йилнинг охирида БМТнинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманининг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий қўмиталар, вақтингчалик ишчи гуруҳлари ва Секретариат фаолият кўрсатади. ЮНКТАДга ҳозирги кунда 186 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД раҳбарлиги остида ўтказилган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хом-ашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида

ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун маҳсус имтиёзлар бериш режимини қувватлаш йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган бўлиб, унинг штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу ташкилотнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океаниядаги камбағал ва ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар гуруҳини иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДОнинг олий органи икки йилда бир марта чақириладиган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат таракқиёти бўйича кенгаш ва бюджет масалалари бўйича қўмита ҳисобланади. ЮНИДО фаолияти ҳукumatлар ва хусусий тармоқ билан ҳамкорлик асосида қурилган. Ташкилот инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказади. Хорижий инвестицияларнинг кўпайиб боришига, ривожланган мамлакатларга технологиялар етказиб беришга кўмаклашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДОнинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият кўрсатмоқда.

Молиялаштиришдаги муаммолар, ортиқча қофозбозлик ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидағи иқтисодий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. БМТнинг маҳсуслаштирилган муассасалари ролининг кучайиб боришида халқаро меҳнат тақсимоти тузилмасининг муракқаблашуви, ахборот-технологик айирбошлишнинг янгидан-янги каналларининг вужудга келиши жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви ва шунингдек инсоният олдида турган жиддий глобал муаммолар ва ҳ.к.лар муҳим рол ўйнамоқда.

5.3. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг жаҳон хўжалигидаги ривожланиш йўналишлари ва уни мамлакатлар иқтисодиётидага аҳамияти

Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) 1995 йилнинг 1 январида ташкил топди. БСТ кўп томонлама савдо тизимларининг ҳуқуқий ва институтстional асосидир. У муҳим шартнома мажбуриятларни таъминлайди. Бу шартнома мажбуриятлари ҳукumatларга ички қонунчиликни шакллантириш ва амалга оширишда, шунингдек ташки савдони бошқаришни аниқлаб беради. БСТ 1947 йилда ташкил топган ва 1948 йилнинг 1 январидан кучга кирган Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ)нинг давомчиси ҳисобланади. БСТ келишуви халқаро савдонинг янги қонуниятларини, Уругвайдаги кўп томонлама музоқаралар жараённида эришилган битимларни умумий идорага жамлашни қамраб олади. Бу қоидалар ГАТТ доирасида 125 та мамлакат иштирокида этти йил давом этган ва 1993 йилнинг 15 декабрида Уругвайдаги тугаган кўп томонлама музоқаралар натижасидир. Вазирлар 1994 йил апрелда Марокашдаги мажлисда якунловчи актни имзоладилар. 15 апрелдаги “Марокко декларастияси” шуни тасдиқладики, Уругвай раунди натижалари жаҳон

иқтисодиётини мустаҳкамлаб, савдо ва капитал қўйилмаларини, бандликни либераллаштириб, бутун жаҳонда тушумларни кўпайишга олиб келади. ГАТТ-БСТнинг қисми сифатида қўйидаги асосий қоидаларга эга:

1. Тарифлар орқали миллий иқтисодиётни химоялаш. ГАТТ эркин савдо билан шуғулланса ҳам БСТга аъзо мамлакатлари ўзларининг миллий саноатини ташқи рақобатдан химоя қилиш хуқуқига эгалигини тан олади. Бироқ, ГАТТ мамлакатлардан тарифлар орқали химоя қилишни талаб этади. Бу тамойилни амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун-қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича миқдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилди.

2.“Тарифларни алоқалаш”. Давлатлар кўп томонли савдо келишувлари орқали миллий саноатни қўллаб-куватлашни камайтириши, иложи бўлса, тарифларни камайтириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Тарифлар маълум даражада камайиб “алоқа”га кирмоқда. Алоқага киришиш шуни билдирадики, аниқ бир маҳсулотни муносабатга киришишдаги тариф даражаси БСТ аъзосининг мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация хақидаги келишувсиз тарифни ошира олмайди.

3.“Энг қулай режим”. ГАТТнинг ушбу қонуни ажратмаслик принципи ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, экспортёр ва импортёр давлатларга ўзгартирилган тариф ва бошқа меъёрлар БСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам камситишларсиз қўлланилиши керак. Хеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар қўя олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва ҳамма савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади.

4. “Миллий режим”. Агар афзал кўрилган давлатларда камситиш ман қилинган бўлса, “Миллий режим” қоидасида эса бозорга чиқарилган товарлар давлат ичиди ишлаб чиқарилган эквивалент товарлар билан бир хил шартшароитда амалга оширилиши керак.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёни қийин ва узоқ вақтни талаб қиласди. Биринчи босқичда БСТга қўшилишни хоҳловчи давлатларнинг хукумат бошликлари БСТда кузатувчилик хукуқини берувчи ариза беради. Бунда хукумат БСТга юборувчи ўз меморандумида мамлакатнинг савдо ва иқтисодий сиёсатини тўлиқ қамраб олган аспектларни тақдим этади. Бу меморандум қўшилиш тўғрисидаги сўровларни тўлиқ ўрганиш учун асос бўлади. Шундан сўнг БСТга ариза берувчи давлатлар бўйича ишчи гурух тузилади.

Ишчи гурух йиғилишларида ариза берган хукумат товар ва хизматлар савдосига нисбатан ўз хукуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари мақсадида қизиқувчи аъзо-мамлакатлар хукуматлари билан икки ва кўп томонлама музокаралар олиб боради. Музокаралар натижасида БСТга кираётган давлат товарлар ва хизматлар савдоси бўйича бажариши лозим бўлган ва ўзгартирилмайдиган аниқ бир тарифлар беради. Ариза берувчи давлатнинг савдо режимини ўрганиш ва бозорга киришга имкон берувчи музокаралар тузиш билан ишчи гурух асосий қўшилиш шартларини ишлаб чиқади ва йиғилиш натижасига кўра БСТга кираётган давлат тўғрисида қарор тайёрлайди

ва бу ҳужжатлар бош кенгаш ёки вазирлар конференциясида тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қўшилиш тўғрисидаги қарор БСТ аъзоларининг 2/3 қисми овоз берган тақдирда имзоланган ҳисобланади. БСТга аъзо бўлган давлат Уругвай раунди қамраб олган битимларни қабул қилиши ва амалга ошириши керак бўлади.

5.4. Жаҳон хўжалигига молиявий ва иқтисодий ташкилотлар

Халқаро валюта фонди - БМТнинг ихтисослашган муассасаси бўлиб, аъзо мамлакатларнинг валюта ҳамкорлигини амалга оширади. 1944 йилда Бреттон Вудс (АҚШ) да о‘тказилган халқаро валюта-молия конгрессида Жаҳон банки билан бир вақтда таъсис этилган. 1947 йил март ойидан ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунда ташкилотга 189 мамлакат аъзо. Ташкилот штаб квартираси Вашингтонда жойлашган.

Фонднинг расмий мақсадлари:

- маслаҳатлар бериш ва валюта муаммолари бўйича ҳамкорлик қилиш орқали халқаро валюта ҳамкорлигига ёрдам кўрсатиш;
- халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсиши учун қулай шароитларни яратиш;
- валюта куреларининг барқарорлигига ёрдам бериш, рақобат туфайли юз берадиган валюта девалвацияларининг олдини олиш;
- кўп томонлама тўловлар тизимини яратишда ва жаҳон савдосини ривожига тўсиқ кўядиган валюта алмаштириш билан боғлиқ чеклашларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;
- аъзо мамлакатларга ўз тўлов балансларини тиклаш, шунингдек, уларнинг халқаро тўлов баланслари тақчиллиги давомийлиги ва микдорини қисқартириш учун муддатли молиявий маблағлар бериш.

2012 бошида ХВФ капитали 450 млрд.АҚШ долларни ташкил қилди. АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Япония, Италия, Канада энг катта квоталарга эга давлатлар ҳисобланади. Унинг ўсиши янги аъзоларнинг бадал пули ва кредитларга тўланган фоизлар ҳисобига юз беради.

Халқаро валюта фондининг раҳбар органлари - Бошқарувчилар кенгаши ва Муваққат қўмита. Бошқарувчилар кенгаши - олий орган бўлиб, ҳар бир аъзо - мамлакат томонидан 5 йилга тайинланадиган бошқарувчилар ва уларнинг ўринbosарларидан ташкил топади. Кенгаш ҳар йили сессияга йигилади. Муваққат қўмита Халқаро валюта фондининг 24 бошқарувчисидан иборат бўлиб, бир йилда 2 марта йигилади ва Бошқарувчилар кенгаши олдида ҳисбот беради. Халқаро валюта фондининг ижроия органлари — Ижроия кенгаш, унга доимий асосда энг катта квоталарга эга бўлган мамлакатлар томонидан тайинланадиган ёки мамлакатлар гурухи сайлайдиган 24 ижрочи директор киради. Ижроия кенгаш мажлислари ҳар ҳафтада 3 марта ўтказилади. Халқаро валюта фонди капиталида квотасини ҳисобга олган ҳолда 7 та ривожланган мамлакатларга овозларнинг 45 фоиз, шу жумладан, АҚШ га 18 фоиз тўғри келади.

Халқаро валюта фонди кредитлари тўлов балансидаги номувозанатлик сабабларига кўра бир неча турларга бўлинади. Халқаро валюта фондининг оддий кредити тўлов балансидаги вақтинчалик тангликларни бартараф этиш мақсадларида 1 йилгача муддатга СДРга берилади (уни 4-5 йилгача чўзиш имконияти билан).

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 1966-йилда ташкил этилган Осиё ва Тинч океани давлатларида техник ёрдам ва қарзлар бериш орқали иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган ҳудудий тараққиёт банки ҳисобланади. У умумий ҳисобда 66ta аъзо, 48таси ҳудудий ва 19таси дунёning бошқа ҳудудларидан, томонидан эгалик қилинувчи, кўптомонлама ривожланиш молиявий институтидир. ОТБнинг бош мақсади ночорликдан холи бўлган ҳудуд шакллантиришдир. Унинг вазифаси ривожланаётган аъзо давлатларига ночорликни камайтириш ва ўз фуқароларининг ҳаёт тарзини кўтаришига ёрдам беришдир.

2015 йил 31 декабр ҳолатига кўра ОТБнинг аксиядорлик капитали 147,55 млрд.АҚШ долларига етди. Осиё тараққиёт банкининг йирик аксиядорлари сифатида Япония (15,62 фоиз), АҚШ (15,51 фоиз), ХХР (6,45 фоиз), Ҳиндистон (6,34 фоиз), Австралия (5,79 фоиз), Индонезия (5,45 фоиз), Канада (5,24 фоиз), Жанубий Корея (5,04 фоиз) каби давлатлар киради.

ОТБнинг фаолияти Осиё ва Тинч океан кўрфазида яшаётган, айниқса кунлик 2 АҚШ доллардан кам тушумга эга бўлган 1.9 миллиардлик ахолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Кўп сонлик муваффақиятли ҳикояларига қарамай, ушбу ҳудуд бутун дунёning 2/3 ночор ахолиси яшайдиган ҳудуд бўлиб қолмоқда.

Дастлаб Банк Жаҳон банкининг, асосан АҚШ, Япония ва Европа давлатлари (айниқса Шимолий ва Германия) ҳукуматлари таъсирига эга бўлган, ҳудудий нусхаси сифатида ташкил этилган. Банк ўз қарз бериш харакатларини, миллатлараро тан олинган бонд(таникли ном)ларни Европа бозорига қўйиш орқали молиялаштирган. Гарчи аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланиши ОТБнинг фаолиятини ҳам бирмунча ўзгартирган бўлсада, банк ўз тарихида асосан проектлар асосида, хусусан инфраструктура инвестициялари, қишлоқ хўжалиги ривожи ва аъзо давлатлардаги оддий саноатини ривожлантириш учун қарз бериш, орқали фаолият юритган. Берилган таъриф бўйича банк давлат ва давлат ташкилотларига қарз берувчи бўлсада, у ҳудудий аъзо давлатларининг хусусий секторни ривожлантириш ва ликвидацияни яхшилаш борасида ҳам фаоллик кўрсатган.

Ислом Тарраққиёти Банки (ИТБ) баъзи манбаларда *Ислом Ривожланиши* Банки - кўп томонли молия институти ҳисобланиб, 1-Ислом Конференцияси Ташкилоти (хозирда Ислом Ҳамкорлик ташкилоти) томонидан араб мамлакатлари Молия вазирлари томонидан таъсис этилинган.

Банкнинг молиявий ресурслари устав капитали ва қўшимча молиявий воситаларидан иборат. Молиявий фаолиятларнинг кенгайиши натижасида банк қўшимча манбалар билан таъминланди:

• 1980-йилда сармоя-депозит режаси ишга тушган. Бу режа сармоядорлар учун банкка молиявий ёрдам беришда қатнашиш орқали қисқа муддатли сармояларни амалга ошириш учун ислом муқобилини беради. Ушбу тизим асосида банк нафақат яккаҳолдаги омонатчидан, балки ташкилотлардан ҳам „Импортга молиявий ёрдам бериш операциялари“ дастурини амалга ошириш учун депозитлар қабул қиласи.

• 1987-йилда „Ислом банклари портфели“ ташкил қилинган. Ушбу ташкилот аъзо бўлган давлатлараро савдо-сотик молиявий қўллаб қувватлаш учун сармоядан фойдаланиш, ҳамда қимматбаҳо қофозлар ва лизинг билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш мақсадида очилган. Шариат нормаларига асосан бунга нақд пул ва қарзлар кирмайди.

• 1988-йилдан савдо-сотикка узок муддатли молиявий ёрдам бериш режаси амалга оширила бошлади. Ушбу режа импортга молиявий ёрдам бериш программасини тўлдиради ва ИКТга аъзо бўлган давлатларнинг анъанавий бўлмаган товарлари экспортини кенгатиришда кўмак беради. Бу эса ИРБга аъзо бўлган давлатлардан экспорт қилиш учун керакли молиявий воситалар билан 6 ойдан 60 ойгача бўлган муддатга жалб қилиш орқали амалга оширилади.

• 1989-йилда алоҳида инвестицион фонд ташкил қилинган. Унинг мақсади қўшимча молия ресурсларини жалб қилиш ва уларни шариатга асосланган ҳолда сармоялаштириш.

Ислом ривожлантириш банки 1973-йил Жиддада Ислом конференцияси ташкилотининг аъзо-давлатлари декларацияси имзоланганидан кейин 1974-йилда ташкил қилинди, ўз фаолиятини расмий равишда 1975-йил 20-октябрдан бошлаган.

Ташкилотга 56 та мамлакат аъзо бўлиб, қуйидаги давлатлар банкни асосий молиялаштирадиган мамлакатлар ҳисобланади: Саудия Арабистони, Ливия, эрон, Нигерия, Қатар, Миср, Туркия, БАА, Қувайт.

Ташкилот аъзо мамлакатларнинг, шариатга асосланган мусулмон жамоаларининг, иқтисодий ривожлантириш ва ижтимоий тараққиётига таъсир ўtkазишини мақсад қилган ва қуйидагиларни мақсад қилган:

- акционерлик капиталига воситаларни сармоялаштириш.
- ишлаб чиқариш корхоналари ва лойиҳаларига қарзлар бериш
- аъзо-давлатларга иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши мақсадида бошқа шаклларда молиявий ёрдам бериш.

• аниқ мақсадлар учун тузиладиган махсус фонdlарни бошқариш. Номусулмон давлатлардаги мусулмон жамоаларига ёрдам фонди шулар жумласидан.

- молиявийлаштириш услублари воситасида молиявий ресурслар йўналтириш ва депозитларини қабул қилиш.
- аъзо-давлатларга техник ёрдам кўрсатиш.
- мусулмон давлатларнинг ривожланиши бўйича ташкилот аъзоларини ўқитишида хизматлар кўрсатиш.
- бепул кредитлар бериш

Назорат учун саволлар:

1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар қандай таснифланади?
2. БМТ ва БМТ тизимидағи ташкилотларнинг жаҳон хўжалигидаги роли қандай?
3. Халқаро ҳудудий ташкилотлар ва уларнинг функционал вазифалари нималардан иборат?
4. ЖСТ га аъзо бўлиш босқичларини характерлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.
10. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
11. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
12. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu) www.wikipedia.org/

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар жаҳон иқтисодиётига таълуқли бўлган маълумотлар йиғиши ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш; кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлаш; маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш амалий кўникмалар ҳосил қиласидилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши. Глобаллашув

Дарс шакли бахс-мунозара. Мухокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари
2. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий хусусиятлари
3. Глобаллашув жараёнини ҳаракатлантирувчи омиллар

Калит сўзлар: Жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, молиявий марказлашув, ахборотлар, глобал олигополия, трансмиллий корпорациялар, глобал бозор, очиқ иқтисодиёт, халқаро меҳнат тақсимоти, фантехника тараққиёти.

❖ Мухокама учун саволлар

1. Жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари (график ташкил этувчи кластер усули орқали ёритиб беринг).

2. Глобаллашувнинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

3. Глобаллашув жараёнларининг тезлашишига қандай омиллар таъсир этади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.

6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев.- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.

8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.

9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

2-амалий машғулот: Жаҳон иқтисодиётида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон хўжалигига ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни

Дарс шакли: Дебат усули. Муҳокама этиладиган масалалар ва кейс - стади.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари


Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва групда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

❖ Муҳокама учун саволлар

1. Ривожланган мамлакатларни иқтисодий ривожланишининг умумий қонуниятлари.

2. Хозирги кунда ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолияти.

3. Ривожланган мамлакатларда халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнларини (“Балиқ скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



7. “Катта еттилик”ка кирувчи давлатларни хозирги кунда ташқи иқтисодий сиёсати.

8. Ривожланган мамлакатларнинг молия - валюта сиёсатининг хусусиятини ёритиб беради.

3-амалий машғулот.

Мұхокама этиладиган масалалар:


2. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иктисодий хусусиятлари

3. “Янги индустрىал мамлакатлар”нинг жағон хўжалигига тутган ўрни
Дарс шакли: Дебат усули.

❖ Мұхокама учун саволлар

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган урни ва роли.

2. Хорижий сармоялар - ривожланаётган мамлакат иқтисодиётида қандай аҳамиятга эга? (“Балиқ скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



3. “Янги индустрىал мамлакатлар”нинг жағон хўжалигига тутган ўрнини баҳолаб беринг.

4.“Янги индустрىал мамлакатлар”нинг ривожланиш моделлари хусусиятлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жағон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслек. -Т.: ТДИУ, 2011.

2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.

3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.

4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.

5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.

6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев.- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.

8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.

9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

4-амалий машғулот: Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва кўринишлари

2. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишида жаҳон тажрибалари. Хитой ЭИХ модели хусусиятлари

3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истиқболлар таҳлили

Дарс шакли: Дебат усули.

❖ Муҳокама учун саволлар

1. Мамлакатда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этишнинг афзалликлари ва заиф томонларини белгиланг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. ФСМУ технологияси ёрдамида “Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий иқтисодиётлар ривожланиши учун аҳамияти нимада?”(саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ечиш).

Йўналтирувчи услубий тавсиялар: ресурслардан самарали фойдаланиш, халқаро савдо, экспорт, импорт ва ҳ.к.

Савол	“Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий иқтисодиётлар ривожланиши учун аҳамияти”
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига	

сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумлаштиринг	

ФСМУ технологияси қоидаси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда хамда ўкув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик холда бахсланишишга хамда шу билан бирга бахсланишиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа холатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

5-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар

Мухокама этиладиган масалалар:

1. Иқтисодий интеграция моҳияти, босқичлари ва унга таъсир этувчи

омиллар


2. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион гурухлар
3. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки
Дарс шакли: Дебат усули.

❖ Муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий интеграциянинг афзалликлари ва заиф томонларини белгиланг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. Интеграциянинг миллий иқтисодиётларга таъсири («Каскад» техникаси орқали ёритиб беринг).



3. БРИКС ва ШОС интеграцион ташкилотларининг истиқболи

4. «Муаммоли вазият»

«Муаммоли вазият» тури	«Муаммоли вазият» сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиши ҳаракатлари
“Марказий Осиё интеграциясини ривожлантириш истиқболлари қандай?”		

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.

4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.

5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.

6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

6-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг таснифланиши

2. Жаҳон хўжалигидаги глобал ташкилот - Бирлашган миллатлар ташкилоти

3. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг жаҳон хўжалигидаги ривожланиш йўналишлари ва уни мамлакатлар иқтисодиётидага аҳамияти

4. Жаҳон хўжалигига молиявий ва иқтисодий ташкилотлар

Дарс шакли: Дебат усули.

❖ Муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотлар доирасида иштирокини афзалликлари ва заиф томонларини белгиланг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. ФСМУ технологияси ёрдамида “Халқаро иқтисодий ташкилотларда иштирок этиш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувнинг миллий иқтисодиётлар ривожланиши учун аҳамияти нимада?” саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ечиш:

Савол	“Халқаро иқтисодий ташкилотларда иштирок этиш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувнинг миллий иқтисодиётлар ривожланиши учун аҳамияти”
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумлаштиринг	

3.БМТ тизимидағи иқтисодий муассасаларнинг (савдо ва тараққиёт бўйича анжумани – ЮНКТАД) тузилмаларини тавсифлаб беринг.

4. Ўзбекистон Республикасини халқаро иқтисодий ташкилотларда иштирокини ёритиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Philips компанияси майший техника ишлаб чиқариш заводларини сотмоқда

Philips electronics компанияси майший техника ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бир нечта заводларини сотишни мулжалламокда. Бундан ташқари *Philips* видеомагнитофонларини ишлаб чиқариш хукуки Япониянинг *Funai Electric* корпорациясига берилади. Голландия компаниясининг бу қарори рақамли видеодисклар ишлаб чиқариш каби видео ёзиш соҳасининг жуда мукаммал ривожланиб кетиши билан изохланади. *Philips* нинг майший бўлим мудири Ги Демейнкнинг фикрига кўра *Funai Electric* билан хамкорлик компанияга дунёда етакчи ўринлардан бирини сақлаб қолишида қўл келади. Агар аввал Японияда *Philips* маркаси билан ишлаб чиқарилган видеомагнитофонлар АҚШ учун сотилган бўлса, энди бу маҳсулот Европа бозорини хам тўлдириши кўзда тутилган.

Июнь ойида Голландия компанияси раҳбарияти фойда келтирмаётганлиги сабабли мобил телефонлар ишлаб чиқариш хуқукини Хитойдаги қўшма корхонага берилишини эълон килди. Харажатларни қисқартиришга йўналтирилган реструктуризация режаси ўз ичига оммавий равишда ходимлар штатларини қисқартиришни хам ўз ичига олади. Олдин 10 минг та ходимни ишдан бўшатиш режалаштирилган эди. Реструктуризация аввало майший техника соҳасидаги ходимларга қаратилади. Тахлилчилар фикрига кўра, компанияни бошқариш курси ва йўналиши олдиндан айтиш мумкин, чунки

Philips компанияси майший техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришга харакат қилмокда.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг кайси тури тўғрисида гап кетмокда? Ким унинг субъекти хисобланади?
2. Ушбу холатни халқаро савдонинг кайси назарияси тўларок ва аникроқ еритади?

Германия иммигрантлар учун ўз эшикларини кенгроқ очишга харакат қилмокда

Берлинда яқинда ҳукумат комиссиясининг қарори эълон қилинди, унга кўра Германия давлати хар йили 50 мингга якин иммигрантларни қабул қилиши лозим, акс холда ишчи кучи етишмаслиги оғир муаммога айланиши мумкин. Экспертлар комиссияси мамлакатга чет элликлар келиши борасидаги муаммоларни ўрганиб чиқди. Бундан чиқарилган асосий хулоса шундан иборат бўлдики, ёш ва малакали мутахассислар Германияга келмайдиган бўлса, туғилиш кескин суръатлар билан камайиб бораётган бу пайтда иқтисодий тараққиёт ва юқори хаёт тарзи каби орзулар хом хаёллигича қолиб кетавериши мумкин.

Бунинг учун Германияга асосан уч турдаги иммигрантларни жалб қилиш керак бўлади. Нисбатан ёш ва 45 ёшгача бўлган малакали 20 мингта чет эллик мутахассислар Германияда чегараланмаган муддатда яшаш ва шу ерда ишлаш хукукини қўлга киритадилар. Бунинг учун номзодларни балли система ёрдамида синовдан ўтказилади. Нозодлар қанчалик ёш, малакали ва тажрибали булса уларга шунчалик кўп балл қўйилади. Чет тилларини, хусусан немис тилини билиш ва фарзандларнинг борлиги Германияга бориш имкониятини янада оширади. Иккинчи категорияда хам 20 мингта номзодлар сараланиб олинади. Бунга ҳозирги вақтда Германияда жуда камёб мутахассислик эгалари киритилади. Улар Германияда вақтинчалик яшаш ва ишлаш хукукини қўлга киритишади. Иммигрантларнинг учинчи категориясида мактабларнинг битирувчиларини жалб қилиш назарда тутилган. Улар Германияда профессионал техник маълумот олишлари мукин ва хохишига кўра Германияда доимий қолишлари мумкин. Шу билан бирга чет эллик олимларнинг Германияга келишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Давлат томонидан бериладиган ёрдамга чет элдан келиб Германияда уз ишини очмоқчи бўлганлар ишонишлари мумкин. Бу масалан, кимевий тозалаш корхонаси, автоустахона ёки ресторон ва хатто банк хам бўлиши мукин. Асосийси соликларни ўз вақтида тулашдир.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмоқда? Ва қайси муаммони хал қилиш лозим?
2. Иммиграциянинг қайси кўринишлари ҳақида тўхтаб ўтилди?
3. Германия иммиграцион сиесатнинг қайси инструментларини ишлатмоқда?
4. Германия иммигрантларини қабул қилиб қайси имкониятлага эга бўлади?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмuni.

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган фояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишининг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хulosаси;
- иш натижаларини қўлланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қўйидаги вазифаларни хал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларни чукурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;
- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;
- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда

мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиши;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўнилмаларни ривожлантиришdir.

“Жаҳон иқтисодиёти” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўкув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

2) Мустақил таълим мавзулари.

“Жаҳон иқтисодиёти” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Жаҳон иқтисодиёти тизим сифатида
2. Жаҳон хўжалиги ва унинг шаклланиш босқичлари
3. Жаҳон мамлакатларининг таснифланиши ва ривожланиш кўрсаткичлари.
4. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро меҳнат тақсимоти
5. Жаҳон иқтисодиётининг табиий-ресурс салоҳияти.
6. Жаҳон меҳнат бозорининг ривожланиши.
7. Жаҳон хўжалигининг соҳавий таркиби
8. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг тенденция ва истиқболлари
9. Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар
10. Жаҳон иқтисодиётида глобал муаммолар
11. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган мамлакатлар
12. Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар
13. Жаҳон хўжалигида Янги индустрисал давлатлар
14. Жаҳон иқтисодиётида ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар
15. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари иқтисодиёти
16. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви

VII. ГЛОССАРИЙ

Глобал муаммолар — оламшумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалалари.

Евро - универсал европа ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар ҳудудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

Европа валюта тизими (ЕВТ) - ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гурухи.

Европа Иттифоки (ЕИ) - Европанинг 25та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гурух.

Эркин иқтисодий ҳудудлар - мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташкарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва соликка тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир кисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошка ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рагбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

Эркин савдо ҳудудлари (ЕСХ) — преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан холи савдо тартибига риоя қилинади.

Жаҳон баҳоси - талаб ва таклиф эгри чизиқлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида хосил бўлади.

Жаҳон бозори — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол боскичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсиралиш глобал муҳитидир.

Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) — миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграцион айланмаси.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) — БМТнинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Иқтисодий интеграция — ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларини ўзаро яқинлаш ва бир-бирига кириб бориши жараёни.

Иқтисодий иттифок — иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасини соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

Иммиграцион квота — хорижий фуқароларнинг кириб келишини давлат томонидан миқдорий чеклаш.

Инвестиция муҳит — мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

Картель - ташқи савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товар гурухлари бўйича ишлаб чиқариш ва нарх сиёсатини мувофиқлаштириб олишади).

Ноу-хау - муаллифлик гувоҳномаси (патент) билан ҳимояланмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирлари.

Озиқ-овқат хавфсизлиги - миллий ва глобал эҳтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти.

Оффшор худудлар - миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширашади.

Портфель инвестициялар — хўжалик обьектини эксплуатация қилиш туфайли даромад олиш ҳуқуқини кафолатловчи капитал қўйилмалари.

Протекционизм хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуслар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёsat.

Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) — БМТ тизими доирасидаги маҳсус муассаса.

Савдода энг қулай шароит яратиш режими — мамлакатлар ўртасида келишилган холда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) — БМТ тизими доирасидаги маҳсус муассаса.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) - чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.

Тўғри инвестициялар — фойда олиш билан биргаликда капитал қўйилаётган обьект устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи капитал қўйилмалари.

Жаҳон банки - ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

Умумий бозор — ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўриниши.

Жаҳон савдо ташкилоти — халқаро савдони институционал ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

Франчайзинг — бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибуларидан фойдаланиш.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) — йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилот бўлиб, БМТнинг маҳсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибида солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат худудида яратилган жами қиймат.

Янги индустрιал мамлакатлар (ЯИМ) — иқтисодий жихатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуру

Автоматлаштирилган ахборот технологияси - маълумотларни узатиш, тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш техникаси ва алоқа тизимлари усуллари ҳамда воситалари қўлланиладиган ахборот технологияси.

Айланма маблағлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. Айланма фондлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

а) Асосий бўлмаган сиёсий ташкилотлар.

б) Асосий сиёсий ташкилотлар.

Аҳолининг реал даромадлари – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар микдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Базель қўмитаси талаблари – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

Бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банкрот – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича крудиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

Барқарорлик – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

Бизнес – фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтоҷликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англаради.

Бозор конъюнктураси – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

Бюджет дефицити – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

Даромад солиғи – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солик).

Даромад солиғи ставкалари – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларни онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Дефляция – инфляция даврида муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул - кредит тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Диверсификация – (лотинчадан *diversus*- ҳар хил ва *facere*-қилмок, бажармок) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

Дивиденд – акционерлик жамияти соғ фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори конъюнктураси - жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жорий конъюнктура – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, қуйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иктисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати,

инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

Иқтисодий ноҷор корхоналар – муайян микдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта микдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

Иқтисодий ўсиш – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвентаризация – корхоналар, фирмалар, ташкилотларда нақд мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқариши кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий хужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

Инвестицион сиёsat – савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутади.

Инвестицион солиқ кредити – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичida босқичма – босқич тўлаш мумкин бўлади.

Инвестицион ҳамкорлик - халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш

орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

Инвестиция – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қофозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Инвестиция дастури – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

Инвестиция комплекси - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

Инвестиция мухити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция фаолияти - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, сугурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша оловчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инновацион технологиилар – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Инновация жараёни - янгилик гоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг

қуидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичидаги (ой, йил) нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Ипотека – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

Ипотека кредити – жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилади.

Истеъмол – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

Истеъмол кредити – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банклар ва бошқа маҳсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

Истеъмол товарлари – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

Иш билан банд бўлган жами аҳоли – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни

бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ишсизлик – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиха-қидирав ишларини бажариш.

Капитал қўйилмалар - қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш обьектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклларидағи корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин.

Капитал таъмирлаш – асосий воситаларни йирик кўламда буткул деталлари, қисмларини алмаштириш билан боғлиқ қайта таъмирлаш тушунилади.

Капитал харажатлар - асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсиши.

Касаначилик – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

«Катта йигирмалиқ» – 20 та йирик мамлакатлар гуруҳи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикаизда саноат ишлаб чиқаришнинг айrim тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати

ва бошкаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Кичик корхоналар – мустақил хўжалик фаолиятини олиб борувчи, ўз балансига бўлган, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган фойдасини ўзи тақсимлайдиган корхона.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакиллантирилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўйба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Конъюнктура – бу бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатdir (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узок муддатли алоқаларни ўрнатиши.

Корхоналарга преференция бериш – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

Корхоналарни техник қайта қуроллантириш – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шарти билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кутилаётган инфляция даражаси – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Меҳнат бозори – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида ишчи кучи харид қилиш - сотишни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга соловчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.

Меҳнат ҳақи – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Микрокредит – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва дехқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Микрофирма – кичик бизнес корхонасининг бир тури. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиши соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Модернизация – объектни тадомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молия-банк тизими – тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолияти юритувчи мамлакатдаги молия-кредит муассасалари мажмуидир.

Молиявий «кўпиллар» – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Молиявий манбалар – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чоратадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа қўринишларда бўлиши мумкин.

«Навоий» эркин индустрιал-иқтисодий зonasи – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳистини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустрιал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. «Навоий» эркин индустрιал-иқтисодий зона худудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айrim соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айrim товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

Пудрат – шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

Пул - кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган маҳсус товар.

Реконструкция (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан

алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Сальдо - муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

Самарали иқтисодий сиёsat – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.

Сектор – институцион бирликлар йифиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуки ҳам ўхшашиб кетади.

Сервис – жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Солиқ кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёри.

Солиқ юки – солиқ тўловчиларнинг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифиндисидир. Мамлакат миқёсида муайян даврдаги барча тўланган солиқлар ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Солиқлар – белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш обьекти ўхшашиб бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Талаб – харидор, истеъмолчиларни бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга олиб чиқилган ва пул имкониятлари билан таъминланган эҳтиёжлар.

Таниарх – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг қиймати.

Таркибий ўзгаришлар – миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгаририб бориш. Таркибий ўзгаришлар ўз ичига янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

Ташқи қарз – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи нодавлат қарзлар – мамлакатдаги хусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва аҳоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо сиёсати – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

Телекоммуникацион инфратузилма – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишидаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

Тижорат банклари – саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишига ихтисослашган банклар.

Турмуш даражаси – аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

Тўғридан – тўғри инвестициялар – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиши жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Тўлов баланси – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

Узоқ муддатли депозитлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган пул кўринишидаги жамғарма ва омонатлар.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Уяли алоқа – уяли тармоққа асосланган мобиЛЬ радиоалоқанинг бир тури.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёsatни амалга оширишдан иборат. Бугунги кунда мазкур фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этади.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Фонд бозори – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи маҳсус ташкиллаштирилган бозор.

Халқаро валюта жамғармаси – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғарамаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган хукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

Халқаро ташкилотлар – уларнинг ҳар бири халқаро сиёsatда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараққиётида эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидағи мақомларига қараб аҳамият касб этадилар.

Халқаро транзит - хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартида ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса – билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, майший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (хукуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда кўпроқ инвестициялар деган синоним термин кўлланилади, тўғридан - тўғри инвестициялар, реал инвестициялар ва асосий капитал каби терминлар ҳам кўлланилади.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий ташкилотлар – демократик давлатларда, индивидуаллар ва хусусий ташкилотлар мустақил иш юритишга ҳаракат қиласи. Масалан, рўзнома ва ойномалар хусусий тарзда бошқарилади. Давлат мактаблари билан хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади. Кўплаб корхоналар хусусий тарзда бошқарилади. Британия, Швеция ва кўплаб давлатларда (яъни демократик давлатларда) саноат ва хизмат кўрсатишнинг айрим тармоқларига давлатнинг ўзи эгалик қиласи. Тоталитар давлатларда эса ҳукуматнинг ўзи аксарият уюшмалар ва ташкилотларни шакллантиради ва назорат қиласи. Бу давлатларда одамлар давлатнинг рухсатисиз бирор-бир гурухга бирлаша ҳам олмайдилар.

Шахсий даромад – жисмоний шахсларнинг солиқ тўллагунга қадар даромади.

Шахсни мунтазам камол топтириш – фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ва таркибий қисми. Шахсни ривожлантириш жараёнлари инсоннинг салоҳият ва мақсадларини рўёбга чиқариш борасида нафақат давлат, жамият таъсири, балки шахснинг ўз саъй-харакатларини фаоллаштиришни ҳам тақозо этади.

Экспорт – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

Эмиссия – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

Эркин индустрисал - иқтисодий зона – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат этилган қисми. Мазкур зоналарда маҳсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлиш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

Эркин сайловлар – халқка ўз лидерларини танлаш хукуқини ҳамда лидерлар ва халқка ўз фикрларини баҳсли масалаларда эркин билдириш хукуқини беради. Сайловларда сайланган шахслар чиндан ҳам халқнинг вакиллари эканлигига ишонтириш учун вақти - вақти билан учрашувлар

үтказиб турадилар. Сайланиш имконияти бундай вакилларни халқ фикр иродасига эътибор беришларини кафолатлаш учун кўмак бўлади.

Ягона солик тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солик ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солик тури.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008 - 176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистан мустақилликка эришиш остонасида. —Т.: “Ўзбекистан”, 2011 .-440 б.

3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.-302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Узбекистан давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzаси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳдил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: “Ўзбекистон”. - 2017 - 1026.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 488 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909- сонли Қарори.

III. Maxsus адабиётлар

1. Me Connell, Brue. Economics. 17th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014.
2. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.
4. Бондарев А.К. Международные экономические отношения: Учебник/ А.И.Евдокимов, А.К.Бондарев, С.М.Дроздов;Под ред.А.И.Евдокимов.- М.:Проспект 2013, 656 с.
5. Пономарева Е.С. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебное пособие/Е.С.Пономарева, Л.А.Кривенцова. - М.: ЮНИТИ, 2013. - 287 с
6. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
7. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
8. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
9. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
10. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
11. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
12. Мороз И.И. Мировая экономика и международные экономические отношения (для бакалавров) / И.И.Мороз.-М.: КноРус, 2013. 256 с.
13. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўкув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 14 б.
14. Международные валютно-кредитные отношения: Учебник для вузов /Под ред.Л.Н.Красавиной. –4–е изд., перераб. и доп . –М.: Издательство Юрайт, 2014. –543с.
15. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux. Palgrave McMillan, 2013. 537p.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz — Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.aza.uz — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги
4. www.ifmr.uz - Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти
5. www.ziyonet.uz - Ziyonet таълим портали
6. www.economics.ru — “Экономическая газета” газетасининг расмий сайти